МУСОБАҚАДОШ ТОЖИКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИБ, ИЮЛЬ ОЙИНИНГ ҲАР КУНИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 133 (2166). | 7 июль, шанба 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Ҳарбий академияларни битириб чиқувчиларнинг партия ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашуви

Олий маълумотли командирлар ва сиёсий ходимларнинг яна бир отряди СССР Қуролли Кучлари сафига қўшилди. Улар ҳарбий академияларда йиллар бўйи сабот ва матонат билан ўқиб чиқдилар. Энди улар шу ўқишнинг самараларини — чуқур махсус билимларни ва сиёсий билимларни — қўшинлар ичига олиб кирадилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан 5 июлда ўтказилган традицион қабул маросими олий ҳарбий ўқув юртларини бу йил битириб чиқанларга бағишланди.

Катта Кремль саройи... Ҳарбий академияларни ҳозиргина тамомлаб чиққан офицерлар билан маршлислар зали лиқ тўлган. Уларнинг ўқитувчилари, профессорлар, шуҳрат қозонган саркардалар ҳам шу залда тўпланди. Залда тўпланганлар орасида қардош социалистик мамлакатларнинг Совет Иттифоқида олий ҳарбий таълим олган офицерлари ва генераллари ҳам бор.

Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. И. Микоян, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. Н. Новиков, К. Н. Руднев, Д. Ф. Устинов, Н. Г. Игнатов, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский президиумга чиқишлари билан мажлис аҳли уларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Совет Иттифоқи маршали М. В. Захаров, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали А. А. Епишев, Совет Иттифоқи маршаллари С. С. Бирюзов, В. И. Чуйков, К. А. Мерецков, И. Х. Баграмян, С. М. Будённий, Н. И. Крилов, А. И. Еременко, И. С. Конев, К. К. Рокоссовский, В. Д. Соколовский, С. К. Тимошенко, флот адмирали С. Г. Горшков, авиация бош маршали К. А. Вершинин, артиллерия бош маршали С. С. Варенцов, бронетанк қўшинлари маршали П. П. Полубояров, қўшин турларининг маршаллари, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг генераллари, адмираллари ва офицерлари ҳам қабул маросимида ҳозир бўлдилар.

Мажлисни мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский очди. У, КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, Никита Сергеевич Хрушчевга ҳарбий кадрларни тайёрлаш тўғрисида доимий қилаётган ғамхўрликлари учун чуқур ва самимий ташаккур билдирди, битириб чиқувчиларни ўқишни муваффақиятли тамомлаганликлари билан қутлади, уларнинг қўшинлардаги фаолияти самарали бўлишини тилади.

Бизнинг ҳарбий меҳнатимиз, деди министр, оғир бўлса ҳам, лекин саховатли ва ҳурматли меҳнатдир. Бизлар коммунизм қуришда масъулиятли вазифани бажаришимиз — Совет Ватанининг ҳавфсизлигини ва давлат манфаатларини, тинчликни сақлашимиз лозим. Бу вазифанинг муҳимлигига ва мураккаблигига сабаб шуки, мамлакатимизда коммунизм қурилиши, бутун социалистик системанинг ривожланиши кескин халқаро вазнят шароитида ўтмоқда.

Кейинги йилларда армия ва флотимизнинг техника негизи тубдан қайта қурилди, уларнинг маънавий руҳи тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди, шахсий составнинг малакаси ошди. Совет халқи, Коммунистик партия ўз Қуролли Кучларига бемалол таянишлари мумкин, бизнинг Қуролли Кучларимиз социалистик лагердаги қардош мамлакатларнинг армиялари билан биргаликда ҳар қандай империалистик агрессорни жиловлаб қўйишга тайёр.

Р. Я. Малиновский академияларни битириб чиқувчиларга мурожаат қилиб айтдики, сизлар олий тарбия ўқув юртларида олган билимларингиз билан қаноатланиб қолмасдан, қўшинлардаги амалий фаолиятингизда бу билимларни зўр бериб ва тиннимсиз такомиллаштира беришингиз керак. Одамлар билан ишлаш, шахсий составни ўқитиш ва тарбиялаш биринчи вазифа қилиниб олиниши лозим. Сизлар ҳар қанча олий маълумотли бўлсангиз ҳам, техникани ҳар қанча яхши эгаллаб олган бўлсангиз ҳам, дейди министр, лекин солдатнинг кўнглини тополмасангиз, одамларни тарбиялашга, тайёрлашга эътиборни сусайтириб юборсангиз, олдингизга қўйилган вазифаларни ҳал қила олмайсиз. Марксизм-ленинизмнинг улуғ идеяларини, партиямизнинг ленинча Программасини жангчиларнинг онгига чуқур сингдирмоқ учун кучингизни ҳам, вақтингизни ҳам аямангиз.

Жангчиларни ватанпарварлик ва пролетар интернационализми руҳида зўр бериб тарбиялангиз, коммунизм қурувчиси ахлоқ кодексининг талаблари ҳар бир ҳарбий хизматчи хулқининг нормалари ва қоидалари бўлиб қолишига эришингиз.

Якка бошчи, командир, раҳбар вазифасини бажарар экансиз, ўз мулоҳазаларингиз ва ҳаракатларингизни нуқсонсиз деб ҳеч қачон даъво қилмангиз. Ўз фикрингиз ва ҳаракатларингизга танқид кўзи билан қарангиз, одамлар билан ҳамиша маслаҳатлашиб ишлашга одатланингиз, ўз ишингизда партия ва комсомол ташкилотларига, бутун жангчилар коллективига таянингиз. Ишда ленинчи услубни эгаллаб олишнинг энг зарур шартларидан бири ҳам мана шудир.

М. В. Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни битириб чиқувчи майор В. А. Матвеевга сўз берилади.

У, академияларни битириб чиқувчилар номидан Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига Қуролли Кучлар тўғрисида қилаётган оталарча ғамхўрликлари учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдиради. Бу ғамхўрликка жавобан биз, дейди офицер, социалистик Ватаннинг хавфсизлигини мустаҳкам таъминламоқ ва унинг давлат манфаатларини ҳимоя қилмоқ учун қисмлар, кемалар ва қўшилмаларнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш йўлида янада кўп куч сарфлаб ишлай берамиз.

Барча совет кишилари сингари биз ҳам, деб давом қилади ўртоқ Матвеев, ғорлоқ келажак — коммунизм йўлини инсониятга биринчи бўлиб очиб бераётган улуғ Ватанимиз билан фахрланамиз. Империалистик агрессорлар шуни билиб қўйсинларки, агар улар халқимизнинг тинч меҳнатини бузишга уринсалар, ер билан яксон қилинишлари турган гап.

Ҳарбий академияларни битириб чиқувчилар ўз вазифаларини жуда яхши биладилар. Совет Қуролли Кучлари бақувват ва пухта организм бўлиши, юксак уюшқоқликка ва интизомга эга бўлиши, доимо жанговар тайёр ҳолда туриши учун биз ҳамма чораларни кўрамиз.

Бош штаб академиясини битириб чиқувчи, Болгария халқ армиясининг вице-адмирали Б. И. Орманов минбарга чиқади.

У, Совет Иттифоқи ҳарбий академияларини бу йил битириб чиққан халқ демократияси мамлакатларининг генераллари, адмираллари ва офицерлари номидан КПСС Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига Совет Қуролли Кучларининг ҳарбий академияларида ўқиб таълим олиш имконияти берилганлиги учун чин кўнгилдан ташаккур билдиради.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг ўртоқ А. Ўролов бошлиқ бригадасида ғўзани суғориш намуналаи ташкил этилган. Суратда: сувчи ўртоқ Ф. Муротов эгатларга сув тарамоқда. Ўнгда бригада бошлиғи А. Ўролов ва сувчи К. Абдураҳмонов ўртоқлар ғўзанинг ҳосилини кўздан кечирмоқдалар.

А. Абалян фотолари.

☆ ХУШХАБАРЛАР

БЕКОБОД. 2-«Далварзин» совхозининг биринчи агроучасткасидаги 350 гектар майдондаги ғўзалар гуллайбошлади. Кекса коммунист Раззоқберди ота Бекмуродов бошчилик қилаётган бригаданинг 125 гектар еридаги ғўзалар, айниқса, серҳосил бўлиб ўсмоқда. Тажрибали деҳқон бошлиқ бу бригада пахтакорлари совхозда биринчи бўлиб ғўзани шарбат суви билан суғорабошладилар.

Ё. Ҳасанов.

ЧИНОЗ. Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ Пирмат Тошматов бошлиқ бригадаси аъзолари ошириган мажбурият олдилар. Улар 77 гектар ернинг ҳар гектаридан илгариги мажбуриятдаги 35 центнер ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили ундиришга бел боғладилар.

Райондаги «XXI партсъезд» колхозининг ўртоқ Ш. Дусенов бошчилик қилаётган бригадада пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун олиб борилаётган кураш ҳар қачонгидан ҳам авж олдириб юборилди. Бригада аъзолари гектар бошига 35 центнердан ҳосил етиштиришни кўзламоқдалар.

Н. Миршарипов,
М. Муҳамедов,
Ғ. Турсунхўжаев.

Учинчи парвариш кучайтирилди

Свердлов номли колхознинг коммунист ўртоқ Парпи Тўхтаев бошлиқ бригадаси аъзолари ўз йил 170 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 30 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олганлар. Бригада аъзолари мажбуриятни ошириб бажариш учун ғўза парваришини жадал суръатлар билан давом эттирмоқдалар.

Тракторчи Э. Жўраев билан Э. Кумусбеков ғўзаларни сифатли культивация қилиб, ўсимликнинг тез ривожланишини таъминламоқдалар. Ҳозир барча майдондаги ғўза учинчи марта парвариш қилинаётир. Бригаданинг қониб сув ичган ғўзаларнинг текис ривожланиб, тугунчалар тўпламоқда.

Бригадада М. Дуйсенов, И. Айнақулов сингари тажрибали сувчилар ғўзаларни кондириб суғоришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Бригада аъзолари ғўзаларни бегона ўтдан тозалаб, гулларни тугунчаларга айлантириш учун дала ишларини бир-бирига боғлаб олиб бормоқдалар.

Б. СОДИҚОВ.

Ўрта Чирчиқ райони.

ТЕКШИРИШ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ

Мусобақадош Тожикистон ССР пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзоларидан бир группаси Янгийўл, Чиноз районларидаги колхоз, совхозларда бўлди. Меҳмонлар район хўжаликларида 1962 йилда пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганини текширдилар.

Тожик биродарларимиз Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози аъзоларининг ишидан жуда мамнун бўлдилар. Бу колхозда ғўза парвариши илғор агротехника қоидаларига мувофиқ олиб борилаётганлиги туфайли мўл ҳосил тўпланаётир.

Колхознинг ўртоқ Иноғом Исмонлов раҳбарлик қилаётган бригадаси аъзоларининг мўл ҳосил етиштириш йўлидаги кураши мусобақадошларни қувонтирди.

Шунингдек Чиноз районидаги Киров номли колхознинг донгдор механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Турсуной Охунова, шу райондаги «XXI партсъезд» колхозининг ўртоқ Турсуной Раимова бошлиқ бригадаси ҳамда бошқа бир қатор тўжаликларнинг илғор пахтакорлари меҳнати ҳам мусобақадошларни хурсанд қилди.

— Биз, — деди ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари, Тожикистон ССР фанлар академиясининг бош илмий секретари ўртоқ А. Маҳсумов, — ҳар икки район колхозларида мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашаётган пахтакорларни кўрдик. Уларнинг бой тажрибасини республикамизда оммалаштирамиз. Лекин Янгийўл районидаги хўжаликларда қарийб 30—35 процент майдондаги ғўза ёш, уларни алоҳида парвариш қилиш талаб этилади.

Июль — ғўза парвариши ва ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой. Авжи паст ғўзаларни қунт билан парвариш қилиб бўлиқ ғўзалар даражасига етказиб олиш зарур. Қўлидан иш келадиган, юрагида ўти бор ҳар бир колхозчининг ўрни далада, у ҳалол меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшмоғи зарур. Тўғри, далада қуннинг жазирама иссиғига бардош бериб, жўшқин меҳнат қилаётган азаматлар кўп. Шу билан бирга ҳозирги долзарб кунларда баъзи колхозчилар далада кўринмайди. Айрим хўжаликларда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Янгийўл районидаги Киров номли, Фрунзе номли колхозларда дала ишига сабабсиз қатнашмаётган колхозчилар анча. Она-Ватанга 10 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олган Ленин номли колхозда ҳам меҳнат интизоми мустаҳкам эмас. Колхозчилар далага эрта соат 8. 30—9. 00 да чиқишади. Тракторчилар ҳам шу пайтда ишга киришади.

Саратон сувини қониб ичган ғўзалар мўл ҳосил тўплайди. Бу ҳар бир деҳқонга аён. Бироқ, райондаги айрим хўжаликларда ғўза чанқоқ қўйилган. Янгийўл районида биринчи суғориш тугалланмаган. 5 минг гектар майдондаги ғўза иккинчи сувни ичгани йўқ. Ҳали «Москва», Фрунзе номли, Свердлов номли колхозларда ғўзалари қовжиратиб қўйилган пайкаллар бор. Бу ҳол меҳмонларни анча ранжитди. Ленин номли колхозда ҳар қуни атиги 64 гектар ердаги ғўза суғорилади, холос. Ваҳоланки, олинган сув билан камида 200 гектар ердаги ғўзани суғориш мумкин. Бу колхозда сувнинг бир қисми бекорчи жойларга оқиб, исроф бўлмоқда.

Культивацияни ўз вақтида ўтказилса ерда нам узоқ сақланади. Айрим колхозларда эса «ғўза ўсиб кетди» деган важ билан культивация тўхтатиб қўйилмоқда. Хрушчев номли колхозда ғўза ҳам узунаси, ҳам кўндаланг культивация қилинаётган бир пайтда қўшни колхозларда кўндалангига культивация тўхтатиб қўйилган. Энгельс номли, Киров номли ва бошқа бир қатор колхозларда ҳам шундай камчиликлар содир бўлмоқда.

Мусобақадошлар Чиноз районидаги колхозларда ҳам ғўза парваришида жиддий хатоларга йўл қўйилаётганини аниқладилар. «Қизил Октябрь» колхозида ривожи паст ғўзаларга қўл билан ўғит солинаётир. Бироқ пайкал чекаларидаги ғўзалар парвариш қилинмай ташлаб қўйилибди. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг ўртоқ Ф. Сафаршаев бошлиқ бригадасида 30 гектар ердаги ғўза даврасига ўтдан тозаланмапти. Қатто 4 гектар майдондаги ғўза ягана қилинмаган.

Ўзаро текшириш бригадаси Янгийўл, Чиноз районларидаги колхозларда яхши ривожланмаётган ғўзаларга етарли эътибор берилмаганлигини аниқлади. Мусобақадошлар ёш ғўзаларни бўлиқ ғўзалар даражасига етказиш учун дарҳол «шарват» оқизиш зарурлигини айтдилар. Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг ўртоқ У. Муҳамедов бошлиқ бригадаси аъзолари «ҳосил халтаси» ташкил қилиб, ғўзаларни озиқлантирмоқдалар. Уларнинг бу яхши ташаббуси оммалаштирилиши зарур.

Бу йил мамлакатга 80 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашаётган Янгийўл, Чиноз районининг пахтакорлари мусобақадошлар аниқлаган камчиликларни қисқа вақт ичида тугатиб, ғўза парваришини кучайтиришга ваъда бердилар.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СОВЕТ-АВСТРИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

МОСКВА, 5 июль. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг таклифига биноан федерал канцлер доктор Альфонс Горбах раҳбарлигидаги Австрия ҳукумат делегацияси расмий визит билан келиб, 28 июндан 5 июлга қадар Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турди. Н. С. Хрушчев, А. И. Микоян ва бошқа совет давлат арбоблари А. Горбах ва делегация аъзолари билан батафсил суҳбатлашдилар.

Совет-Австрия қўшма ахборотида айтиладики, дўстона вазиятда ўтган музокаралар ҳар иккала томонни қизиқтириувчи масалалар устида кенг фикрлашиб олиш имкониятини берди. Шу нарса мамнуният билан қайд қилиндики, давлатларнинг тинч-тотув яшашини тан олишга асосланган Совет-Австрия муносабатлари ижтимоий системаларнинг ва идеологик қарашларнинг фарқига қарамай, ҳар иккала томон учун ўзаро ҳурматлаш ва ички ишларга аралашмаслик асосида қониқарли ривожланиб келди. Ҳар иккала давлат ўртасида ҳал қилинмаган ҳеч қандай сиёсий проблемалар йўқ.

Австрия Федерал ҳукуматининг аъзолари билан музокаралар вақтида СССР Министрлар Советининг Раиси ҳал этилмаган халқаро проблемалар юзасидан Совет Иттифоқининг нуқтаи назарини айтиб берди. Ҳар иккала томон шу нарсани яна қайд қилдиларки, Австриянинг доимий бетараффлиги халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлашишга ижобий хисса бўлиб қўшилмоқда.

Шу нарса мамнуният билан қайд қилиндики, ҳар иккала давлат ўртасидаги товар обороти кейинги йилларда муттасил кенгайиб борди. Томонлар бу иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга интилиш зарур деган бамаслаҳат фикрга келдилар.

Ахборотда таъкидланадики, Дунайнинг транспорт йўли сифатидаги аҳамиятини оширишга интилмоқ керак, ҳар иккала давлат ўртасида туризм ўсиб бораётганлиги, шунингдек маданий ва илмий техника алоқаларини янада кенгайтиришнинг матлублиги ахборотда қайд қилиб ўтилди.

Австрия томони, Совет Иттифоқининг ҳукумат делегацияси яқин фурсатда Австрияга борсин, деб истак билдирди. Совет томони бу истакдан мамнун бўлди.

СССР ВА КХДР ХАЛҚЛАРИНИНГ БУЗИЛМАС ДЎСТЛИГИ

МОСКВА, 5 июль. (ТАСС). Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқлар Корея Халқ Демократик Республикасининг раҳбарлари Ким Ир Сен ва Цой Ен Генга телеграмма юбордилар. Улар бу телеграммада СССР билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган шартноманинг бир йиллиги билан қардош корейс халқини самимий табриклайдилар.

Телеграммада таъкидлаб айтиладики, Совет-Корея шартномаси жаҳон социалистик системасидаги давлатлар ўртасида вужудга келган ва чинакам ҳуқуқий тенглик, суверенитет, ўзаро ҳурмат ва қардошларча ўзаро ёрдам принципларига асосланган дўстона муносабатлар тобора ривожланаётганлигини яққол кўрсатувчи намунадир. Шартнома узоқ Шарқда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, Корея Халқ Демократик Республикасининг мустақиллигига қилинадиган ҳамлалардан мустаҳкам суратда муҳофаза қилувчи гарантиядир. Бу шартнома Америка империализми ва Жанубий Корея реакциясининг авантюристик кирдикорларига қарши жиддий огоҳлантиришдир.

Совет кишилари, дейилади телеграмманинг охирида, қардош корейс халқига қизғин салом йўллайдилар ва корейс халқининг янги бахтли ҳаёт барпо қилишда ва ўз ватанини тинч йўл билан бирлаштириш учун олиб бораётган олижаноб курашида янада катта муваффақиятларга эришувини чин кўнгилдан тилайдилар.

А. А. Громико Корея Халқ Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри Пак Сен Черга табрик телеграммаси юборди.

ДАЛАДАГИ ҲОДИСА

Бўка районидаги «XX партсъезд» колхозида яқиндагина бир фалокат юз берган эди. 24 май куни яганадан чиқиб, шоналаб қолган ғўзаларни дўл уриб ер билан яксон қилиб кетди. Бироқ колхозчилар бу табиий офат олдида саросимага тушмадилар. Бутун майдонга тўрт кун ичида қайтадан чигит экдилар. Мана ҳозир бу ерларда гўё ҳеч нарса бўлмаганга ўхшайди. Бир текис ниш чиққан ғўзалар 4-5та чин барг чиқариб қолган. Бу факт колхозда фидокор, меҳнатсевар, коллектив манфаатини аъло даражада ҳис қилган кишиларнинг кўп эканлигини кўрсатиб турибди.

Лекин... Буёғига қулоқ солинг. Эрталаб соат 6 лар чамаси. Колхознинг 9-бригада даласига колхозчилар бирин-кетин келиб, сойлиқдаги картада ишга тушмоқдалар. Бригада бошлиғи Халил Пардаев шийпон олдида атрофга назар ташлаб турибди. Шу маҳал келиб тўхтаган енгил машинадан колхоз раиси Хайитбоев ва Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Аженов ўртоқлар тушди. Улар шу ердаги картага сув қўйилмаган бўлса ҳам, ернинг ўртасида сув кўллаб ётганини кўриб сувчиларни суриштира бошладилар. Бригадир «келишмади» деб шикоят қилди: «Бу аҳволда иш қилиб буладими, сувчиларимиз келмаса, тракторимиз тўхтаб ётган бўлса, менинг қўлимдан нима иш келади», деди.

Машина сувчиларнинг уйига томон юра бошлади. Йўл ёқасида тўхтаб турган ўртоқ Муртазо Рўзиев ҳайдайдиган трактор олдида уч киши ўтирибди.

— Хўш, нима қилиб ўтирибсизлар?

— Бензин йўқ, трактор юрмаяпти, — деди тракторчи.

Сувчи Назар Қўлбоев учраб қолди. Ундан нега ишга чиқмадингиз деб сўрасак «Биз сувчи бўлиб, табелчининг хотинидан кам ҳақ олсак тўғрими?» деб сўради. Бу, албатта диққатга сазовор гап эди. Кейин аниқланишича қараганда табелчи Мамировнинг хотини Олтин Ҳамраева май ойида 25 сўм, табелчининг ўзи 24 сўм ҳақ олибди. Лекин сувчиларга кам ҳақ тўланибди. Масалан, сувчи Назар Қўлбоевга 19 сўм берилибди.

— Нега бундай бўлди, — сўрадик табелчидан.

— Чунки менинг хотиним ҳам ошпазлик қилади, ҳамда болалар боғчасида ишлайди.

— Болалар боғчасида неча бола бор? —

— 5 та.

Кўрининб турибдики, бу ерда табелчи адолатсизлик қилган. Бригадир бунга эътибор бермаган. Бу эса меҳнат интизомига салбий таъсир этган. Одамларни ишдан совутган.

Бу ҳам бир нави. Аммо бу бригадада меҳнат интизомининг бўшашиб кетишига бундан ҳам улуғроқ нарсалар сабаб бўлаяпти. Сувчи Наби Султоновнинг уйини кидириб юриб бир талай қўй боқиб юрган Абдуҳамид деган бир болага йўликдик. Бу бола жуда ростгўй экан.

— Қўйлар кимники? —

— Ўзимизники.

— Бошқаларники қўшилган эмасми?

— Ҳаммаси ўзимизники дедим-ку, — деди бола қатъий.

— Уйингларда жун борми?

— Бор. Уч қоп.

— Қовун суғораётган эдим.

Маълум бўлишича, пақирона ва жуда мўмин кўринган Наби Султоновнинг 84 бош қўй-эчкиси, бир оти, бир сигир, бир бузоғи. 50 сотиҳ ерда боғи, яна бунинг устига алоҳида ерда маккажўхориси ва қовун-тарвузи бор экан. Боғида сўри қилиб кўтарилган серҳосил 40 туп узуми, жуда кўп олча олма, шафтоли дарахтлари, анорзорини айтмайсизми.

Уйида уч қоп жун, бир қопда чигити ажратилган ва чигити ажратилмаган пахта турибди. Хуллас бу кишининг уйида қилиши лозим бўлган ишлари жуда кўп. Ундан оладиган даромадлари 5—6 азаматнинг ишлаган ҳақига тенг келади. Бу одам колхоз ишига сира муҳтож эмас. Фақат мана шу ғайри-қонуний ва колхоз Уставига хилоф равишда томорқадан фойдаланаётганини, 5 бош ўрнига 84 бош қўй-эчки боқаётганини, ишчи ҳайвон ҳисобланган отга эга бўлганини ниқоблаш учунгина колхозда наридан бери ишлаб юрган Султонов колхознинг ғўзасини кўллатиб қўйиб, ўз қовунини суғориш билан банд бўлган.

Агар ғап фақат бу киши устида бўлганида эди иш осон бўлар эди. Лекин бу ерда томорқадан ортиқча фойдаланувчилар, кўплаб қўй-эчки боқувчилар яна анчагина топилади. Бироқ колхоз раҳбарлари бунга эътибор бермаганлар. Бригада бошлиғи Халил Пардаев бу қўй-эчкиларни Пискентдаги Хрушчев номли колхозда яшовчи бошқа Наби деган одамники деб Султоновни ҳимоя қила бошлади.

Бўка районида бундай фактларни топиш мумкин. Лекин ўз шахсий манфаатига берилиб кетган, колхоз ишига ҳалақит бераётган бу килдаги кишиларга қарши колхоз раҳбарлари ҳам, райондаги қишлоқ советлари, молия органлари, маъмурий идоралар ҳам ҳеч қандай чора кўрмаётирлар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ТАЖРИБАКОРЛАРИМИЗ АЙТГАНЛАРИ

СУВ — ҒУЗА ТОМИРИГА ҚОН. УНГА ҲАЁТ БАХШ ЭТАДИ. ЮРАГИНГИЗ ҚУЙИБ, ТАШНА БУЛИБ ТУРГАНИНГИЗДА БИР ПИЕЛА МУЗДЕК СУВ ИЧСАНГИЗ ҚАНЧАЛАР РОҲАТЛАНАСИЗ. ЁКИ ТАШНА БЎЛСАНГИЗДА, СУВ БЎЛМАСА, КИШИ ҚАНЧА ҚИЙНАЛИШИНИ КУЗ ОЛДИНГИЗГА КЕЛТИРИНГ! ҲА, ҒУЗА ҲАМ ШУНДАЙ. САРАТОН КУЁШИ ТИҒИДА ХАРСИЛЛАБ ҚОЛГАН ҒУЗА ОҚШОМДА ТАРАЛГАН СУВДАН БАХРАМАНД БЎЛСА ҚАДДИНИ РОСТЛАЙДИ, ЕНГИЛ НАФАС ОЛАДИ. СУВЧИ ҒУЗАНИНГ ТАБИБИ ДЕЙДИЛАР. ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ШУ ТАБИБ ҒУЗАНИ МАРОМИДА ҚОНДИРИБ СУҒОРСА БИР КУННИНГ ЎЗИДАЁҚ ТЎРТ ЭНЛИК ҲОСИЛ ОЛАДИ, ШОНАСИГА-ШОНА, ГУЛИГА-ГУЛ ҚУШИЛАДИ. БУНИНГ УЧУН СУВЧИ ЗИЙРАК ВА БАРДОШЛИ БЎЛИШИ КЕРАК, — ДЕЙДИ КОМСОМОЛ РАЙОНИДАГИ ФРУНЗЕ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ СУВЧИСИ УММАТ БОЙЗОҚОВ.

ҚАНДАЙ ҚИЛСА ҒУЗА ҚОНИБ СУВ ИЧАДИ? ЭГАТЛАРГА ҚЎП СУВ ҲАЙДАГАН БИЛАН ҒУЗА СУВГА ҚОНМАЙДИ. СУВНИ ЭГАТЛАРГА ЖИЛДИРАТИБ ТАРАШ КЕРАК, ТУПРОҚДАГИ НАМ СУВДАН ИЛГАРИ ЮРСИН, АКС ҲОЛДА СУВ ТЕЗ ОҚИБ ПУШТАЛАР ТЕКИС ҚОРАЙМАЙДИ.

ЭНДИ ТУНДА СУҒОРИШ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ ГАП. ҒУЗАНИ ТУНДА СУҒОРИШДА ҲОСИЯТ КЎП: ИККИ ТОМОНДАН ЮТАСИЗ. БИРИНЧИДАН СУВ ТЕЖАЛАДИ, КУНДУЗ КУНИ БИР ГЕКТАРГА ЕТГАН СУВ, КЕЧАСИ БИР ЯРИМ ГЕКТАР МАЙДОНДАГИ ҒУЗАНИ ҚОНДИРАДИ. ИККИНЧИДАН, ҒУЗА ТУНДА СУВ ИЧСА ТЕЗ ҚОНАДИ, ГУРКИРАБ УСАДИ. ШУНГА АМАЛ ҚИЛГАН ДЕҲҚОН ЮТАДИ.

Ҳарбий академияларни битириб чиқувчиларнинг партия ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашуви

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Социалистик мамлакатларнинг қуролли кучлари ўртасидаги жанговар ҳамдўстлик, дейди ўртоқ Орманов, кундан-кунга кенгаймоқда, уларнинг дўстлиги озодлик учун, герман фашизмига қарши курашда биргаликда тўкилган қон билан мустаҳкамланган. Империализмнинг агрессив кучлари Совет Иттифоқига ва социалистик лагернинг бошқа мамлакатларига қарши уруш очишга тайёрланаётган шароитда халқларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг қуролли кучлари зиммасида нақадар катта масъулият турганлигини тушунамиз. Социалистик давлатларнинг қуролли кучлари халқларимизнинг тинч яратувчилик меҳнатини мустаҳкам муҳофаза қилмоқдалар ва бизнинг озодлигимизга ҳамда мустақиллигимизга қасд қилишга уринган ҳар қандай агрессорни қақшатғич мағлубиятга учратишга ҳамиша тайёрдирлар.

Ҳарбий академияларни битириб чиқувчиларнинг Кремлдаги бугунги қабул маросимида Сиз, Никита Сергеевични, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарларини, қуролдош совет ўртоқларимизни ва барча совет кишиларини ишонтириб шуни айтмоқчимизки, деб давом қилади нотиқ, ватанимизга қайтиб борганимиздан кейин бутун кучимизни социалистик мамлакатлар ва уларнинг қуролли кучлари ўртасидаги абадий ва бузилмас дўстликни янада мустаҳкамлашга сарфлаймиз.

Ҳарбий академияларнинг профессор-ўқитувчилари состави номидан генерал-майор А. В. Солодов сўзга чиқади. У, партия Марказий Комитетини ишонтириб айтадики, қоявий чиниққан, юксак даражада ўқимишли офицерларнинг янги отряди жангчиларни коммунизм ишига чексиз садоқат, ҳарбий бурчни нуқсонсиз бажариш руҳида моҳирлик билан тарбиялайди, янги техникани ва қурол-яроғларни муваффақиятли равишда эгаллаб олади, интизомни мустаҳкамлай беради, қисмлар ва кемаларнинг жанговар тайёрлигини ошира беради, Совет Ватанининг хавфсизлигини муқаддас билиб асрайди.

Партия Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини, шахсан Никита Сергеевич Хрушчевни ишонтириб шуни айтамизки, дейди сўнгра ўртоқ Солодов, Ватанга, коммунизм ишига чексиз содиқ бўлган, замонавий жанговар техникани мукаммал эгаллаб олган, бизнинг севикли Ватанимизга ва қардош социалистик мамлакатларга қасд қилувчи ҳар қандай душманни кескин ва тўла равишда тор-мор келтира оладиган юксак ғояли ҳарбий кадрларни тайёрлашга ва тарбиялашга ўзимизнинг бутун кучимизни, билимларимизни ва тажрибаларимизни сарфлаймиз.

Гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев минбарга чиқади.

* * *

Олий ҳарбий ўқув юртларини битириб чиқувчилар шарафига ўтказилган қабул маросими Георгий залида ва Грановитая палатасида байрам дастурхонлари атрофида давом қилди. Партия ва ҳукумат раҳбарлари ҳарбий академияларни битириб чиқувчиларни чин кўнгилдан табрикладилар, уларга Совет Иттифоқининг, бутун социализм лагери мамлакатларининг қуролли кучларини янада мустаҳкамлаш ишида катта муваффақиятлар тиладилар.

Партия ва ҳукумат раҳбарлари билан Кремлда бўлган тўлқинлантирувчи учрашув бу учрашувда қатнашган ҳар бир командир ва сиёсий ходимнинг кўнглидан сира чиқмайдиган воқеа бўлди. Бу учрашув Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотига қилинаётган чукур ғамхўрликнинг яна бир далили бўлди. (ТАСС).

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Қадрли ўртоқлар ва дўстлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг топшириғига биноан, сизларни, сизлар орқали эса олий ва ўрта ҳарбий ўқув юртларини тамомлаб чиққан барча кишиларни академиялар ва ўқув юртларини битирган чиқишлари билан табриклашга ва социалистик Ватанимизнинг ҳарбий қудратини мустаҳкамлаш соҳасидаги олижаноб фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Бу ерда қардош мамлакатлар армияларининг офицерлари ўтирибдилар. Улар совет ҳарбий академияларида олий ҳарбий маълумот олдилар. Азиз дўстлар, сизларнинг қардош социалистик мамлакатлар миллий қуролли кучларини мустаҳкамлаш ишида муваффақиятларга эришувингизни чин кўнглимиздан тилаймиз.

Қуролли Кучларнинг командир кадрлари, инженер ва сиёсий кадрларини ўқитиш ҳамда тарбиялаш соҳасидаги катта ва самарали ишлари учун академияларнинг профессор-ўқитувчилар состави Коммунистик партия ҳамда Ҳукуматнинг самимий ташаккурини изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Азиз ўртоқлар!

Биз ижтимоий тараққиётнинг ғоят масъулиятли даврида яшаб турибмиз. Улуғ Ленин бошчилигидаги ишчилар синфи, большевиклар партияси меҳнаткашларнинг ҳаётини қувончли ва бахтли қилиш учун революция байроғини баланд кўтардилар. Бизнинг партиямиз Ленин йўлидан бориб, совет халқини буюк жаҳоншумул тарихий ғалабаларга олиб келди. Меҳнат аҳли асрлар бўйи орзу қилиб келган социализм ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатимиз халқларига ўзининг буюк неъматларини келтирмоқда.

Бир қанча мамлакатларнинг халқлари социализм йўлига кирдилар, комил ишонч билан янги ҳаёт қурмоқдалар.

Партиянинг янги Программасида коммунизмнинг моддий-техника базасини қуриш соҳасидаги буюк вазифалар белгиланди. Совет кишилари буюк планларни амалга оширмоқ учун кўп ва фидокорона меҳнат қилиш кераклигини яхши биладилар. Мамлакатнинг ҳамма жойида фабрикалар, заводлар, уй-жойлар қурилиши мисли кўрилмаган кўламларда авж олиб кетди, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун кураш олиб борилмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун қилинмоқда.

Партиямизнинг Программасида барча халқлар учун **Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат**дан иборат буюк идеаллар белгилаб берилди.

Равшанки, Коммунистик партия ва совет халқи бундай мақсадларни белгилар ва амалга оширар экан, мустаҳкам тинчлик бўлишидан жуда манфаатдордирлар. Совет ҳукуматининг ташқи сиёсати ҳам шу билан белгиланади. Биз социалистик мамлакатлар билан капиталистик мамлакатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча принципни қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдамиз. Бошқа халқларга қарши агрессив ниятда бўлиш социалистик мамлакатларга ётдир. Биз бошқа давлатларнинг ишига аралашмаймиз. Ўзлари учун ижтимоий тузумни танлаб олиш — ҳар бир мамлакат халқларининг ўз ишидир.

Бизнинг ҳукуматимиз янги жаҳон урушининг олдини олишга, тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларнинг конкрет программасини барча мамлакатларга таклиф этди. Сизларга маълумки, Женевада қуролсизланиш масаласи юзасидан музокаралар давом этмоқда. Бу музокараларнинг бориши Ғарб давлатлари қуролсизланишни истамаётганликларини кўрсатади. Бундай шароитда империалистларнинг зўр бериб қуролланишни авж олдираётганликлари, бизга қарши уруш қилмоқ учун ўз қуролли кучларини тайёрлаётганликлари, жуда кўп қурол-яроғлар, шу жумладан ядро қуролларини ҳам тўплаётганликлари билан биз ҳисоблашмай қололмаймиз.

Биз мамлакатимизнинг ва бутун социалистик лагернинг хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб, Қуролли Кучларимизнинг қудратини бутун чоралар билан мустаҳкамлашимиз зарур. Ҳозирги халқаро вазиятда қуролсизланиш ҳақида бир битимга келинмаган экан, бизнинг бундан бошқача иложимиз йўқ. Социалистик лагерь нечоғлик кучли бўлса, мамлакатимизнинг мудофаа қуввати нечоғлик юксак бўлса, ҳужум қилиш хавфи, вайронгарчилик келтирувчи термоядро урушини бошлаб юбориш эҳтимоли шу қадар кам бўлади.

Ҳеч ким бизни ғафлатда қолдира олмайди. Бизнинг ишончли посбонимиз бор. Бу посбон шаҳар ва қишлоқларимизни вайрон қилишга уринадиган кимсанинг қўлини ўз вақтида маҳкам ушлаб қолишга қодирдир. Бундай ишончли посбон — Совет Иттифоқининг барча социалистик мамлакатларнинг қуролли кучларидир.

Империалистларнинг зарбадан қутилиб қолиш ҳақидаги мўлжалларига келганда, биз башарти, улар уруш бошлаб юборар экан-лар, жавоб тариқасида қақшатғич зарбага учрайдилар, деб айтиб келдик ва ҳозирда ҳам шундай деймиз.

Агрессив империалистик кучлар ҳали бор экан, биз ўз Қуролли Кучларимизни бутун чоралар билан мустаҳкамлашга мажбурмиз. Бу Қуролли Кучлар тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишлари, социализмнинг буюк ғалабаларини империалистларнинг ҳар қандай ҳамласидан муҳофаза қилишлари, уруш бошланишига йўл қўймасликлари лозим. Армиямиз, авиациямиз ва флотимизнинг тарихий вазифаси ана шу. Шунинг учун ҳам бутун совет халқи, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари армиямизни астойдил ҳурмат қилмоқдалар.

Офицер кадрлар Қуролли Кучларимизнинг ўзагидир. Халқ уларга армиямизнинг жанговар қобилияти ва жанговар тайёрлигини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш вазифасини юклади. Армиямизнинг командирлари, инженерлари, сиёсий ходимлари халқ ишига, коммунизм ишига содиқ бўлган чинакам совет ватанпарварларидир. Улар совет халқи ва Коммунистик партиянинг буюк ишончига сазовор бўлиб, ўз зиммаларига юкланган вазифаларни шараф билан бажармоқдалар.

Азиз ўртоқлар!

Коммунистик партия, совет халқи Қуролли Кучлар тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Кейинги йилларда бизнинг армиямиз, авиациямиз, флотимиз, кўшинларнинг барча турлари кўп миқдорда ғоят кучли, энг янги қурол-яроғлари олдилар. Фан ва техниканинг ривожланиши, қурол-яроғлар барча турларининг узлуксиз такомиллаштирилаётганлиги улардан фойдаланиш ва уларни қўлланиш усулларини ўзгартиришга муқаррар олиб келади.

Ҳозирги вақтда ҳарбий операцияларни олиб бориш, жуда мураккаб ҳарбий техника ва қурол-яроғлардан фойдаланиш барча ихтисослардаги жангчилардан кўп билим, маҳорат ва малака талаб этади. Қўшинларга таълим беришда офицерларнинг роли ва масъулияти нечоғлик ўсиб бораётганлигини яхши тушунасиз, деб ўйлаймиз. Таълим бериш методикасини такомиллаштириш, бу ишда энг янги техника воситаларини қўлланиш керак. Бу гап олий ўқув юртларида таълим беришгагина эмас, балки қисмлар ва бўлинмалардаги ҳарбий таълимга ҳам таллуқлидир.

Совет офицери бошлиқ, малакали ҳарбий мутахассис бўлибгина қолмай, балки ўз итоатидаги кишиларнинг моҳир мураббийси ҳамдир. Кишини тарбиялаш — мураккаб ишдир. Командирларнинг, бошлиқларнинг бутун фаолияти, кундалик ҳаёт ва турмуш жангчиларда социалистик Ватанни мардлик ва моҳирлик билан ҳимоя қилмоқ учун зарур бўлган юксак маънавий-сиёсий ва жанговарлик хислатларини шакллантиришга қаратилиши лозим. Бу вазифани ҳал этишда шахсий намуна кўрсатиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Сизлар ўз ҳарбий бурчингизни бажаришда, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси талабларини бажаришда намуна кўрсатишингиз, шонли Қуролли Кучларимизнинг жанговар традицияларини давом эттиришингиз лозим.

Азиз ўртоқлар!

Коммунистик партия шахсий составнинг жанговар ва сиёсий тайёрлигининг аҳволи учун, қисмлар ва бўлинмаларнинг жанговар қобилияти ва доимий ҳарбий тайёрлиги учун бутун масъулиятни совет командирлари зиммасига юклайди. Партия Программасида таъкидлаб ўтиладики, яккабошчилик — Совет Қуролли Кучлари қурилишининг энг муҳим принципидир. Бу эса, партия ва халқнинг командир кадрларимизга буюк ишончни ифода этади. Шу билан бирга, биз шу нарсани доим эсда тутмоғимиз керакки, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлиги, қисмларда ва бўлинмаларда партия ташкилотларининг роли ва таъсирини ошириш — ҳарбий қурилишимиз асосларининг асосидир. Командирнинг заковати ва иродаси, бўлинмалар, қисмлардаги партия ва комсомол ташкилотларининг, бутун коллективнинг ижодий ғайрати, ҳар бир жангчининг актив ва фидокорлик билан бажарадиган иши — олдимизда турган вазифаларни ҳал этишнинг мустаҳкам гарантиясидир.

Партиямизнинг кучи шундаки, у ўзининг бутун фаолиятида тўғри ва ишончли компас — марксизм-ленинизм улуғ таълимотига амал қилиб келмоқда. Ўртоқлар, марксча-ленинча назарияни ўрганиш учун вақтни аямангиз. Ҳар бир жангчининг фаолияти ва хатти-ҳаракатида коммунистик идеяларнинг коммунистик ишлар билан узвий боғланиб боришига тинмай эришингиз.

Азиз ўртоқлар!

Сизларни академияларни тамомлаб чикишингиз билан яна бир марта қутлашга, ўз социалистик Ватанига хизмат қилишдек катта ва фахрли ишда сизларга ижодий муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз!

Яшасин совет халқи ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси жонажон Коммунистик партиямиз!

Яшасин ва мустаҳкамлансин тинчлик ва Совет Иттифоқи хавфсизлигининг таянчиси — Қуролли Кучларимиз!

Социалистик мамлакатлар армиялари жангчиларининг жанговар ҳамдўстлиги мустаҳкамлана берсин!

(Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқи бир неча марта гулдурос давомли қарсаклар билан бўлиниб турди).

КОРЕЙС ВА СОВЕТ ХАЛҚЛАРИ — ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР

МОСКВА, 5 июль. (ТАСС). Корея Халқ Демократик Республикаси билан СССР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома имзоланган куннинг бир йиллиги муносабати билан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг раиси, Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сен ва Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ мажлиси президиумининг раиси Цой Ен Ген Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқларга табрик юбордилар.

Корея Халқ Демократик Республикасининг партия ва давлат раҳбарлари ўз табрикларида Корея Халқ Демократик Республикаси билан СССР ўртасидаги шартноманинг ролига юксак баҳо берадилар ҳамда Корея-Совет дўстлиги бундан буён ҳам мустаҳкамланади ва кенгаяди, деб таъкидлайдилар.

Телеграммада бундай дейилади: «Корея ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасида марксизм-ленинизм улуғ ишининг тантанаси йўлидаги умумий кураш давомида тарихан қарор топган пролетар интернационал дўстлик ва жипслик ҳамда мустаҳкамланган ва ривожланган буюк иттифоқчилик муносабатлари бузилмас ва абадийдир».

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ, 7 ИЮЛЬ, 1962 ЙИЛ.

СИРДАРЁ РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

ҲОСИЛ МЎЛ-КЎЛ, ТАННАРХ АРЗОН БЎЛАДИ

Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ меҳнаткашларига Мурожаатига жавобан 1910 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 30 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтаришга, она-Ватанимизга ҳар қачонгидан кўп гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга бел боғлашди. Колхоз партия ташкилоти уларнинг бу ватанпарварлик ҳаракатига моҳирлик билан раҳбарлик қилиб, ҳосил мўл-кўл, таннарх арзон бўлиши йўлида кўпгина фойдали тадбирлар белгиламоқда.

Биз қуйида ана шу ҳақда ҳикоя қиламиз.



КИМ ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?

ЎТГАН йили Сирдарё райони пахта тайёрлаш йиллик планини бажара олмади. Айрим хўжаликларда гектаридан олинган ҳосил ақалли 20 центнерни ҳам ташкил этмади. Бунга бирдан-бир сабаб шу бўлдики, кўпчилик хўжаликларда иш бошидан пухта ташкил қилинмади. Жўжани кузда санаш керак, деган зарарли қайфиятга берилиб, сифат унутилди. Чигит экиш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва бошқа муҳим масалаларга юзаки қаралди. Баъзибир механизаторлар нормани бажаришга қизиқиб, универсалнинг юриш тезлигини ошириб юборди. Бу кўплаб ўсимликнинг нобуд бўлишига олиб келди. Биз ҳикоя қилаётган колхозда эса бу сингари камчиликларнинг олди олинган эди. Шу сабабли ҳосил мўл-кўл, таннарх арзон бўлди.

Ҳаммадан муҳими шундаки, бу колхозда эрта кўкламдаёқ сифат учун кураш комиссияси тузилди. Чигит экишга ерни ким қандай тайёрлади? Чигитни ким қайси схемада экади? Туп сони қайси бригадаларда қандай таъминланди? Комиссия аъзолари шу масалалар билан шуғулланишди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу тадбир самарали натижа берди. Шу сабабли колхоз партия ташкилоти сифат учун кураш комиссиясининг составини қайта кўриб чиқди. Бу ишга пахтачиликда бой тажриба орттирган кишилар жалб этилди.

Шу кеча-кундузда комиссия аъзолари қима иш билан шуғулланишаяпти. Келинг, бу ҳақда яхшиси сифат учун кураш комиссиясининг раиси ўртоқ А. Абибуллаевга сўз берамиз.

— Комиссия состави етти кишидан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги пахтанинг ичида ўсишган, пахтанинг миридан-сиригача билишади. Комиссия ўзининг иш планига эга. Партия ташкилоти иш планимизни кўриб чиқиб, айрим ўзгаришлар киритди. Масалан, биз июнь ойида қайси бригадада кўчат қандай сақланаётганлиги билан қизиқмоқчи эдик. Колхоз партия ташкилоти эса комиссия фақат туп сони билан эмас, бажарилаётган ишнинг сифати билан ҳам шуғулланиши керак-лигини айтди. Бу жуда фойдали маслаҳат эди. Биз ишни ана шу асосда ташкил этдик.

Ўртоқ Алиев бошлиқ бригада аъзолари бу йил 60Х45 схемасини танлашган. Шу схемада экилганда ҳар гектар ерда камида 90 минг кўчат бўлиши керак. Кўчатни санаб кўрдик. Гектарига 96 мингдан тўғри келди. Бу яхши, албатта. Лекин текширишда масаланинг бошқа томони ҳам аниқланди. Бригада бошлиғининг айби билан ўсимликка кўндаланг-га ишлов бериш тўхтатилган экан. Нега бундай қилаяпсизлар деб сўрасак, кўндаланга ишлов берганда қўллаб кўчат нобуд бўлиши мумкин эмиш! Бригадирнинг бу фикрига кўшилиб бўлмас эди. Кўндаланга ишлов беришни дарҳол бошлаб юборишни маслаҳат бердик.

8 гектар майдонда ўт бор экан. Ўтдан тезда қутилиш керак эди. Акс ҳолда у кучайиб кетиб, мурғак ғўзаларни қисиб қўйиши мумкин. Лекин бригадада бу ишни қисқа вақт ичида амалга ошириш учун куч етишмас эди. Саккиз киши сув тарайди, тўрт киши навбати билан икки универсални бошқаради. Нима қилиш керак? Шу куни колхоз партия ташкилоти ва правление билан маслаҳатлашдик. Бу бригадага қўшимча куч ажратилди. Ғўза парваришида олдинда бораётган илғор бригадалар ёрдамга келишди. Шундай қилиб ўт босган майдон икки кун ичида тозаланди.

Текширишда бир қатор бригадаларда ғўза парвариши дўруст ташкил этилганлиги аниқланди. Бундай бригадалар рағбатлантирилди. Кўчат қалинлигини таъминламаган, ишнинг сифатига эътибор бермаган бригадаларга қўшимча ҳақ тўлаш ўёқда турсин, ҳатто уларнинг меҳнат ҳақидан қирқилди.

— Бундан кейинги режаларингиз билан таништирсангиз?

— Ҳозирги бошлаган ишимизни август ойида яна давом эттирамиз. Масалан, ҳозир айрим бригадаларда 90—95 минг туп кўчат бор. Шу миқдордаги кўчатни кузгача ким қандай сақлаб қолганлигини текширамиз. Кимда ким туп сонининг тўлиқ бўлишига эришса, у яна бир ойлик меҳнат ҳақининг 25 процанти миқдорида қўшимча ҳақ олади. Акс ҳолда шу миқдордаги меҳнат ҳақи камайтирилади.

ҚАРОР ҚОҒОЗДА ҚОЛМАСИН

ЖАББОР ака билан суҳбатимиз давом этарди.

— Қаердаки қабул қилинган қарор қоғозда қолиб кетса, ўз-ўзидан маълумки, ишда силжиш бўлмайди. Бу нарса колхоз партия ташкилотининг ҳамиша диққат-эътиборида бўлиб келди. Ишни яхшилашга қаратилиб қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини текшириш бизда одат тусига кириб қолган.

Масалан, коммунистларнинг июнь ойида бўлиб ўтган умумий йиғилишида ўртоқ Цой бошлиқ бригадада суғоришнинг қониқарсиз эканлиги танқид қилинди. Аҳволни яхшилаш юзасидан қабул қилинган қарорда ғўзага сув тарашнинг кўпи билан икки кун ичида тартибга келтириш кўрсатилган эди. Орадан икки кун ўтиши билан суғоришни қандай уюштирилганлиги текширилди. Аҳвол ўзгарган экан.

У ишни ундоқ қилиш керак, бу ишни бундоқ қилиш керак, дейиш билан иш битмайди. Бундай «маслаҳат» ҳеч қандай фойда ҳам бермайди. Бизда кўпроқ ишни яхшилаш учун амалий ёрдам кўрсатилади. Бу ўринда мана шундай бир мисолни айтиш мумкин. Колхозимиз коммунистларининг бундан олдинги йиғилишларида бир қатор бригадаларнинг дала шийпонлари кишиларнинг маданий ҳордиқ чиқариш жойига айлантирилмаганлиги қатиқ танқид қилинди. Шундан сўнг бу масала мактаб директори, коммунист Бахром Яҳёевга топширилди. Ўртоқ Яҳёев дала шийпонларида бўлиб қайси бригада қандай ёрдамга муҳтож эканлигини аниқлади. Дала шийпонларини безатиш йўлида қўлидан келган ёрдамини аямади.

Энг муҳими шундаки, ўртоқ Яҳёев колхоз агитаторлари билан суҳбат ўтказди. Нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклиги тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатди. Унинг ўзи иккинчи бригада дала шийпонини кишиларнинг ҳақиқий дам олиш жойига айлантирди. Агитаторлар ўзларига биркитилган дала шийпонларини безатишда коммунист Яҳёевнинг тажрибасини кенг қўллашди.

Колхоз партия ташкилоти секретари Жаббор ака Шамсиев қабул қилинган қарорларнинг ижроси ҳақида янада кўпгина қимматли фикрлар айтди. Хулласки, деди у сўзига якун ясар экан, қабул қилинган қарорларнинг қоғозда қолиб кетиши ишнинг белига тепади. Коллективда партия ташкилотига нисбатан нотўғри тушунча пайдо қилади. Бу нарсани ҳеч қачон унутмаслик керак.

МАСЛАҲАТЛИ ТЎН ТОР КЕЛМАС

ПАРТИЯМИЗ Марказий Комитетининг март Пленуми совет халқи олдига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кескин кўпайтириш вазифасини қўйди. Бу улуғвор вазифаларнинг амалга оширилиши коммунистик мўл-кўлчиликни барпо этиш демакдир.

Ленин номли колхоз аъзолари ҳам пахта билан бир қаторда гўшт ва сутни кўпайтиришга аҳд қилишди. Уларнинг бу ватанпарварлик ташаббусига колхоз партия ташкилоти бошчилик қилди.

Мамлакатга ҳар қачонгидан кўп гўшт ва тухум етказиб бериш учун нима қилишимиз керак? Колхоз партия ташкилоти правление билан ана шу масалада фикрлашиб олди. Маслаҳатли тўн тор келмас деганларидек икки ўртада яхши фикр пайдо бўлди. 318 гектар ерга маккажўхори экилган. Лекин 120 гектардаги ўсимликнинг авжи паст. «Далмалика»сининг бир қисми ёввойи ўт ичида, бир қисми сувталаб. Борди-ю, шу майдонлардаги ўсимликнинг парваришини кучайтирилмаса, мўлжалдаги озуқа бирлигини қўлга киритиш мумкин эмас эди. Кимдир зардоб бригада тузишни таклиф қилди. Бу таклиф кўпчиликка маъқул тушди. Идора ходимлари ва устахона хизматчилари ҳамда бошқа кишилар ҳисобига 25 кишидан иборат зардоб бригада ташкил этилди. Бригада аъзолари «дала малика»сига меҳр қўйиб, қўлни-қўлга бериб ишлашди. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши ўчун деган шиорни юракка жо қилиб кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан фидокорона меҳнат қилишди. Саноқли кунлар ўтиши билан маккажўхоризор бегона ўтдан тозаланиб, бўйига-бўй, энига-эн кўшди.

Ана шу биргина мисолдан колхоз партия ташкилоти билан правление ўртасидаги бирлик қандай самаралар бераётганлигини сезиш қийин эмас. Ҳа, маслаҳатли тўн тор келмайди, деб шуни айтадилар-да.

КЎСАКЛАР ҒУЖ-ҒУЖ

БРИГАДА бошлиғи Эргаш ака Турдибоев пахтазор оралаб кетатириб бенхтиёр тўхтади. Рўпарасидаги бир текис ғўзаларга завқ билан қараб, вой-бўй деб юборди қувончини ичига сиғдиролмай.

— Назира опа, мукофотни ўзимиз оладиган бўлдик чамаси, — деди у ғўзадаги кўсакларни кўрсатар экан.

— Ишларингиз чиндан ҳам мукофотга лойиқ. Ғўзаларингизнинг авжини қаранг, бир текис. — Колхоз раиси Назира опа Йўлдошева Эргаш ака билан ҳалиги ғўзанинг кўсакларини санади. Бир тупда 5 та кўсак бор экан.

— Кеча Муштоқбойнинг бригадасида бир туп ғўзада саккизта кўсак санашди. Ғўза ёппасига кўсакляпти. Мукофотни ўшаларга беришга қарор қилдик деди Назира опа.

— Ҳали колхозда биздан ўтари йўқ деб юрибмиз, — деди Эргаш ака ҳазилга олиб.

— Йўқ эмас, бор...

Ҳа, колхозда ғўзаси кўсакламаган бригада йўқ ҳисоби. Қайсибир пахтазорни ораламанг, ғуж-ғуж кўсак.

Хўжаликнинг бошқа соҳаларида ҳам сезиларли силжиш бўлаяпти. Ярим йиллик ғўшт етиштириш топшириғи 157 процент бажарилди: Ўтган йилнинг шу давридагига қараганда сут кўп топширилди. Тухум тайёрлаш йиллик плани ошиғи билан адо этилди. Ана шу каби муваффақиятларни қўлга киритишда колхоз партия ташкилотининг амалга оширатган тадбирлари катта роль ўйнамоқда.

Б. ЭРҚОРОВ.

Суратларда: 1. Юқорида (чапда) коммунист Тўйчи ота Болтаев қариб 30 йилдан буён сув тарайди. 2. Механизатор И. Сафаров (чапдан) бригада бошлиғи Эргаш ака Турдибоев ва колхоз раиси Назира Йўлдошева ғўза ҳосилини кўздан кечиришаяпти. 3. (пастда) Сифат учун кураш комиссиясининг аъзоларидан (чапдан) Ф. Борсандов, А. Абибуллаев, Ф. Грищенко ва У. Эйебов ўртоқлар колхоз раиси ўртоқ Йўлдошева билан суҳбатлашмоқдалар.

автор фотолари.

ЁЗГИ ҚУРТ БОҚИШ МАВСУМИНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

Областимиздаги кўпгина хўжаликларнинг пиллачилари бу йил ипак қуртларини илғор усулда боқиб, жуда яхши натижаларга эришдилар. Калинин районидаги «Ўзбекистон», Карл Маркс номли, Охунбобоев номли, Ленин номли, «Октябрь», Куйбишев номли, Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли, Ленин номли, Янгиер районидаги «Коммунизм», Сирдарё районидаги Охунбобоев номли, «Победа», Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли, Ленин номли, Янгийўл районидаги Хрушчев номли колхозлар ва бошқа кўпгина хўжаликлар давлатга пилла сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ошириб адо этдилар. Калинин район пиллачилари пилла етиштириш юзасидан етти йилликнинг охирги йилига мўлжалланган даражага эришдилар.

Аммо баҳорги қурт боқиш мавсумида ҳамма хўжаликларда ҳам мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилди, ипак қуртлари юқори агротехника қоидалари асосида боқилди, деб бўлмайди. Бундай хўжаликларда айрим масъулиятсиз раҳбарларнинг айби билан пилла тайёрлаш давлат плани бардбод берилди. Бунинг натижасида областимиз пилла тайёрлаш планини атиги 86 процент бажара олди. Оқибатда иккинчи бор қурт боқишга тўғри келди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳозирги пайтда Бекобод, Янгиер, Қуйи Чирчиқ, Гулистон, Янгийўл, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ ва бошқа районлардаги кўпчилик колхоз ва совхозларда бўшашувчиликка йўл қўйилаётганлиги туфайли ёзги қурт боқиш ишларида агротехника қоидаларини бузаётган шахсларни жавобгарликка тортмаётирлар.

Ёзги қурт боқиш мавсумининг энг масъулиятли даври давом этаётган ҳозирги пайтда колхоз ва совхозлардаги партия, совет, комсомол ташкилотлари ходимларининг асосий эътибори ипак қуртларини боқишни тўбдан яхшилашга қаратилмоғи керак. Йўл қўйилаётган камчиликларни сира кечиктирмасдан бартараф этиш, қурт боқишни максимал даражада яхшилаш зарур.

Ёзги қурт боқиш ишларини юқори агротехника қоидалари асосида ўтказишни таъминламоқ учун область ипакчилик бошқармаси, район ипакчилик бўлимлари, колхоз ва совхозлардаги мутахассисларнинг масъулиятларини ошириш лозим.

Ҳамма ёшдаги қуртлар учун барг тайёрлаш ва уни баргхоналарга ташиб келтиришни фақат кечқурун ва эрталаб бажариш керак.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари тут баргларидан тўғри ва тежаб фойдаланишга мажбурлар. Акс ҳолда келгуси йилнинг баҳорида ипак қуртларига етарли миқдорда барг етказиб бериш жуда мушкул вазифа бўлиб қолади. Бу йил ёзги қурт боқиш мавсумида ҳамма тут плантацияларига ёвойи ўтлардан тозаланиши, қондириб суғорилиши ва қатор оралари сифатли юмшатилиши керак.

Пилланинг сортларига қараб, тўғри қабул қилиб олиш ва пиллачиларнинг ҳақларини ўз вақтида тўлаш устидан қаттиқ контроль ўрнатиш зарур.

Ипак қуртларини жадал усулда боқаётган ва мўл ҳосил етиштиришга эришаётган пиллачиларнинг илғор тажрибасини янада кенгроқ ёйилик. Партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг бурчи — ёзги ипак қурти боқиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш ва ҳар бир колхоз, ҳар бир совхоз, ҳар бир районнинг 1962 йилда давлатга пилла сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришларини таъминлашдан иборат.

ИДОРАДАН ДАЛАГА

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, колхозимиз правлениеси ва партия ташкилоти колхоз ишлаб чиқаришига чуқурроқ раҳбарлик қилиш юзасидан баъзибир тадбирларни кўрмоқдалар.

Партия комитети колхоз правлениеси билан биргаликда идорабошқарув аппаратидаги баъзи штатларни қисқартириш масаласини кўриб чиқди. Натижада колхоз бўйича 28 киши раҳбарлик ишларидан озод бўлди.

Жумладан, раиснинг чорвачилик бўйича ўринбосари, 3 та ҳисобчи, 2 та далачилик-бригадасининг табелчиси, бир ҳисобчи-заправщик, битта алоқачи-радист, битта хўжалик ишлари мудири, бир склад мудири, тегирмонда қабул қилувчи бўлиб ишловчи ва ҳоказо шунга ўхшаш лавозимлар тугатилди.

Натижада шулар туфайли колхоз бўйича йил охирига қадар 17640 меҳнат куни ёки 52920 сўм пул тежаладиган бўлди. Раҳбарлик ишларида ишлаб келган кишилар бевосита далага чиқиб меҳнат қилишга, моддий бойликлар етиштиришга ўз ҳиссаларини қўшишга отландилар.

КАН СЕК-ТЮН,
Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз партия комитети секретарининг ўринбосари.

Бўрдоқига

ОҚҚЎРҒОН. «Ўзбекистон» колхозининг меҳнатсевар чўчқабоқари ўртоқ А. Новосельцев 68 бош чўчқани бўрдоқига боқиб яхши парвариш қиляпти. Кунига ҳар бир чўчқа 300-500 граммдан семирмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми кўрсатмаларига амал қилган колхоз чорвадорлари йиллик гўшт сотиш планини август ойида бажариш учун курашмоқдалар. Ҳозиргача 200 центнер гўшт сотилди, ярим йиллик план муддатидан илгари бажарилди.

Б. ШОҚУЛОВ.

Қўриқ ерларда токзорлар

Тошкент областининг хўжаликлари «чилаки» ва «павели» сортли тез пишар узумни узишга киришдилар. Мирзачўлнинг қўриқ хўжаликларида ҳам узумдан мўл ҳосил олинади. Янгиер районидаги «Коммунизм» ва Кард Маркс номли колхозларнинг тажрибаси бу ерларда ҳар гектар токзордан 250—300 центнердан узум олиш мумкин эканлигини кўрсатди.

Бу йил қўриқ ерларга қора кишмиш, тайфи, нимранг, хусайни ва бошқа сортли узум токлари ўтказилди. Академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти, Бутуниттифоқ ўсимликчилик илмий тадқиқот институтининг Ўрта Осиё тажриба станцияси ва бошқа ташкилотлар қўриқ ерлардаги совхоз ва колхозларга беш юз мингдан кўпроқ ток кўчатлари бердилар. Ҳар бир хўжаликда бир юз эллик—икки юз гектардан токзорлар барпо этилди.

Ҳозир Тошкент областида токзорлар деярли саккиз ярим минг гектарни ташкил этади. Бу токзорларнинг ярмиси ҳосилга кирган. (ЎзТАГ).

КИНОТЕАТРЛАР — МАДАНИЯТ ЎЧОҒИ

Дарҳақиқат, кинотеатрлар чинакам маданият ўчоғларидир. Чунки, кинотеатрларда фильмларгина намойиш қилинмай, айни вақтда оммавий маданий тадбирлар ҳам ўтказиб турилади. Тамошабинлар фильмлар бошланиши олдидан қизиқарли темалардаги лекцияларни мароқ билан тинглашади. Донгдор кишилар, атоқли олимлар билан учрашиб, уларнинг ажойиб ишлари билан танишадилар. Ҳаваскорлар коллективларининг чиқишларини завқ билан тамоша қилишади.

Кўриниб турибдики, кинотеатрлар коллективлари зиммасига ғоят масъулиятли ва шарафли вазифалар юклатилган. Ўз ишларини намунали йўлга қўйиб, тамошабинларнинг иззат-ҳурматини қозонаётган кинотеатрлар пойтахтимизда оз эмас. Бу маданият ўчоқлари ақолига кино кўрсатиш сифатини яхшилан билан бирга тингловчиларнинг маданий дам олишларини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор беришаётир.

Аҳолининг кино асарларига қизиқишини ошириш мақсадида жамоатчилик советлари тузилди. Ҳозир 600 дан ортиқ жамоатчи советларда кино ташкилотчи бўлиб ишлашяпти. Улар кинотеатр ходимларига фильмлар репертуарларини тузишда ёрдамлашадилар. Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш борасидан бераётган қимматли маслаҳатлари ҳам диққатга сазовордир. Совет кино санъатининг энг яхши асарларини пропаганда қилишда ҳам уларнинг хизмати катта бўлаяпти.

Кинотеатрларда жамоатчи болалар дирекциялари иш бошлаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Шунингдек, кинотеатрларда ишлаб турган болалар хоналари тамошабинларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Жамоатчилик советлари фаолиятини кучайтириш мақсадида пойтахт кинофикация бўлими ҳузурида етти кишидан иборат штатсиз инспекторлар группаси тузилди.

Ҳозир 6 кинотеатр ва 30 га яқин киномеханиклар бригадаси «Аъло хизмат кўрсатиш коллективи» деган ном олиш учун курашмоқда. «Искра», «Ватан», «Ёш гвардия» ва бошқа кинотеатрларда ишлаётган киномеханикларнинг меҳнат ютуқлари эътиборни жалб қилади. Мазкур маданият ўчоқлари ташаббуси билан қизиқарли тадбирлар амалга оширилаяпти. «Севимли киноартистлар тамошабинлар меҳмони», «Янги кинофильмлар» деган темаларда кечалар ўтказилди. «Ганг дарёсининг қизи», «Синчалак» бадиий фильмларида бош ролларни ижро этган севимли артистлар ана шу фильмларни кўриш учун кинотеатрларга келган тамошабинлар билан учрашдилар.

Революция ветеранлари, биринчи комсомоллар, коммунистик меҳнат бригадалари, спорт мастерлари ҳам кинотеатрларга келиб, тамошабинлар билан учрашмоқдалар. Бу учрашувлар, шубҳасиз тамошабинлар ўртасида катта қизиқиш уйготмоқда.

Пойтахт кинотеатрларида совет кишисини тарбиялаш темасига доир тематик лекция ва суҳбатлар ҳам системали равишда ўтказилаётир. Кейинги уч ой мобайнида «Ёш гвардия», «Искра», «ВЛКСМ 30 йиллиги» ва бошқа кинотеатрларда «Коммунизм қурувчиларнинг ахлоқ кодекси», «Жамоатчилик — асосий куч», «Болалар — бизнинг келажагимиз», «Болалар тарбиясида ота-оналарнинг бурчи» сингари темаларда қизиқарли лекциялар ўқилди.

Севимли фильмларнинг яратилиши ва уларнинг ижодкорлари ҳақидаги лекция ва суҳбатларга ҳам кўп тамошабин қатнашмоқда. «Совет кино санъатида хотин-қизлар образи», «Болалар кинофильмлари» деган темалардаги кечалар ҳам мароқли ўтди.

Кинотеатрлар ишининг яхши йўлга қўйилишида маданият ўчоқлари ҳузурида ишлаб турган кинолекторийларнинг таъсири ҳам катта бўлаяпти. Музика, ота-оналар ва атеистик пропаганда бўйича ташкил этилган лекторийлар ҳам ўз фаолиятларини жонлантириб юборди.

Кинотеатрлар фойеларида деярли ҳар сеанс олдидан ҳужжатли — оммавий фильмлар бепул кўрсатилмоқда. «Искра» ва «Ўзбекистон» кинотеатрларида эса сиртқи тамошабинлар конференциялари ўтказилмоқда.

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, пойтахт кинотеатрлари ишларида ҳали бир қатор камчиликлар содир бўлаётир. Аввало шуни айтиш керакки, айрим кинотеатрларда, чунончи «Дружба», «Юлдуз», Киров район маданият уйида жойлашган кинотеатрларда белгиланган тадбирлар кўпинча ўз вақтида ўтказилмайди. Сиртқи тамошабинлар конференциялари анда-санда бўлади.

Кинотеатрлар ҳамма маданият ўчоқлари вазифасини адо этиши лозим. Бунинг учун кинотеатрларнинг раҳбариятлари ўз ишларини тамошабинлар талаблари асосида олиб боришлари керак. Бунда жамоатчилик ташкилотлари ва маданият муассасалари кинотеатрларга лозимдан ёрдам кўрсатишлари даркор.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети маданият бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Юқори Чирчиқ районидаги «III Интернационал» колхози аъзолари Турсунбой Муротовни тиниб-тинчимас дейишади. Бу гап газета-журналларни ўз вақтида етказиб уларнинг ҳурматига сазовор бўляпти. Суратда ўртоқ Т. Муротов.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СИЛОС МЎЛ БЎЛСИН ДЕБ

Квадрат-уялаб ўстирилаётган маккажўхори узунасига ва кўндалангига икки марта культивациядан чиқарилди. Шу кунларда ўсимликни суғоришга катта эътибор берилмоқда. 44 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 1000 центнердан кўпроқ олиш учун курашаётган бригада аъзолари суғоришни намунали ўтказмоқдалар.

Калинин районидаги «Келес» совхозининг жўхорикорлари силос мўл бўлсин деб ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозининг ўртоқ О. Эшматов бошлиқ жўхорикор бригадасида ҳам иш қизғин. Бригаданинг 120 гектар маккажўхорисида ҳосил мўл бўлмоқда. Абдужалил Саидов, Ҳақберди Еттибоев, Фармон Алмоновлар маккажўхорини қондириб суғормоқдалар.

Янгиер районидаги 3-«Боёвут» совхозининг 2-бўлимидаги 1-участкада ҳам «дала малика»си парваришига эътибор кучайтирилган. Бу ерда 50 гектар майдонда 60х60 схемасида квадрат-уялаб маккажўхори ўстирилмоқда.

Т. ЖУРАЕВ,
Р. ХУЖАМҚУЛОВ,
Б. ЭШОНҚУЛОВ.

НОБОП ЕРДАН МЎЛ ҲОСИЛ ОЛАМИЗ

Бригадамизда 50 гектар ер бўлиб, 5 киши ишлайди. Шу майдондан 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдик. 1961 йилда совхоз бўйича 15 центнердан ҳам камроқ ҳосил етиштирган эдик. Шуни ҳисоба олганимизда бу йилги мажбуриятимиз жуда юксак мажбуриятдир.

50 гектар ерни аслида уч киши, ҳатто икки киши ишлаши мумкин. Аммо бизда ҳозирча шароит оғир. Еримиз жуда шўралаб кетган, бегона ўт ҳам кўп, экин фақат насослар орқали суғорилади.

Бригадиримиз ўртоқ Худойқул Суюндиковнинг ўзи ҳам, мен ҳам механизаторлиг. Иккимизга битта трактор биркитилган, Биримиз машинани бошқарсак, бошқа биримиз сувчилик қиламиз, ёки бегона ўт юламиз.

Мўл ҳосил учун курашда механизаторнинг ўрни катта. Чунки у шудгорлашдан тортиб гўзапояни йиғиб олгунча бўлган ҳамма ишларда актив қатнашади. Ерда нам тўплайди. Чигит экади, гўза ўстиради.

Ҳосил тупидан олинади дейишади. Механизатор доим буни эсда тутиши керак. Агар у чигитни сифатли экса, эгатлар тўғри чиқса, мўл ҳосил учун курашда биринчи катта галаба қўлга киритилади. Сабаби шуки, тўғри эгатдан трактор ҳам, сув ҳам тўғри юради. Оқибатда кўчат юлинмайди.

Бизнинг еримиз нобоп бўлганидан кўчатимиз сийракроқ. Лекин биз 30 центнер учун курашни сира унутганимиз йўқ. Мавжуд кўчатларни тўла сақлаб қолиш ва ҳар бир туп гўзада энг кўп ҳосил тўплаш орқали мажбуриятимизни бажармоқчимиз. Бу механизатордан жуда эҳтиёт бўлишни, жон куйдириб ишлашни талаб қилади. Мен бутун иш даврида шунга амал қиляпман. Тракторнинг тезлигини ошириб юбормайман, бир меёрда секин юриб, гўза тупларига юмшоқ тупроқ ўяман Бу гўзага мадад ва озуқа бўлади. Кўчат яхши ривожланади, дарров чанқаб қолавермайди, тагидаги майда ўтлар қалин тупроқ тагида қолиб йўқ бўлиб кетади.

Қ. РАҲИМОВ,
Мирзачўл совхозининг 2-бўлим механизатори.

КОЛХОЗЧИЛАР МАМНУН

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Тупроқшунослик илмий-текшириш институти Янгиер районидаги хўжаликларни ўз оталигига олган. Шунинг учун ҳам мазкур илмий муассаса олимлари район колхоз ва совхозларига тез-тез келиб, пахтакорлар ва маккажўхорикорларга қимматли маслаҳатлар беришаётир.

Яқинда институт директори, биология фанлари кандидати ўртоқ М. Умаров бошлиқ бир группа олимлар ва илмий ходимлар районнинг Кард Маркс номли, «Коммунизм» колхозларида, «Фарҳод», «Дружба», 2-«Боёвут» ва бошқа совхозларида бўлишди. Улар бир ҳафта давомида хўжаликларнинг ишлари билан танишдилар. Пахтакор ва маккажўхорикорлар билан суҳбатлар ўтказиб, уларга ердан унумли фойдаланиш, ирригация ва мелиорация ишларини яхшилаш, минерал ўғитлардан шароитга қараб фойдаланиш ҳақида қимматли маслаҳатлар бердилар.

— Олимлардан хурсандмиз, — дейди Карл Маркс номли колхознинг раиси С. Шукуров. — Улар март ойидан буён хўжалигимизга иккинчи марта келиб, жуда фойдали маслаҳатлар беришди. Хўжалигимизнинг илгари шўр бўлмаган ерлари кейинги йилларда шўрлана бошлади. Олимлар бунинг сабаби шоли экилиб келинаётганида эканлигини исботлаб беришди. Бу маслаҳатга амал қилиб колхозчиларимиз бу йил мутлақо шоли экмадилар. Баъзи участкаларнинг ерида натрий ва калий тузлари кўп бўлиб, уни ювишда ҳам қийналардик. Олимлар ювишнинг қулай йўлларини кўрсатиб беришди. Хўжалигимизнинг баъзи ерларида фосфор кўп, баъзи ерларида эса оз. Мутахассисларимиз буни ҳисобга олмай, ҳамма ерга деярли бир хил нормада фосфор ўғити солишарди. Таркибида фосфор сероб бўлган тупроқли ерларга селитра ва ўғнги кўпроқ бериш, кам фосфорли ерларга эса фосфорни кўп солиш тўғрисида ҳам конкрет нормалар белгиланди. Хўжаликнинг тупроқ картасидан фойдаланишда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳам айтилди.

Райондаги бошқа хўжаликларнинг аъзолари ҳам олимлар маслаҳатидан жуда мамнун бўлдилар.

С. НОРМАТОВ.

ЧЎЧҚАЧИЛИК ФЕРМАСИДА

ЖЎРА СУЛТОНОВНИНГ ИЗДОШЛАРИ

— Нима, — деди ичиб турган ошига пашша тушган кишидек таъби тирриқ бўлиб Саломат хола.

Онасини бундай кайфиятда кўрган Қудратилла нима деишини билмай, бошини қуйи тушириб ер чизабошлади. Қаттиқ гапирса, онайизор дили оғрийди. Тўғри гапга тушунмайди. Нима қилсин. Фақат яхши ҳал билан онанинг дилидагини топиб, уни симобдек эритишдан бошқа илож йўқ. У бошини аста кўтариб, табассум билан онасига қарадию, балога қолди.

— Қўлингда гулдек ҳунаринг бўлса, кимсан Қудратилла-уста номинг билан чўчқабоқар бўласанми?! Ҳали ҳам ёшлигингга борасанда. Уста қаёқдаю, чўчқабоқар қаёқда. Ҳамманинг гапига лақиллайверадиган кишисан.

— Ойи, — деди у мулойим товуш билан тиран кўзларини тикиб, — гўшт сероб бўлади...

Қудратилла шундай дейиши биланоқ она унинг оғзидан гапини юлиб олди:

— Эй... қариган чоғимда... Саломат хола тутақиб кетаёзди.

— Менга қаранг ойи, — деди ўғил қўлларини онасининг елкасига ташлаб эркаловчи сўзлар билан. — Самарқандда Жўра Султонов деган чўчқабоқар бор. У бир неча марта Москвага бориб келган. Агарчи, мен ҳам ўшанақа донгдор бўлиб кетсам, сизни ҳам Москвага бирга олиб борардим. Ленинни кўрардингиз. Ҳа, ўз кўзингиз билан Ленинни кўрардингиз.

— Ленинни, — дедию она бироз хаёл суриб қолди. Энди ундаги қатъиятлик йўқолабошлаган эди.

Бу ҳолни кўрган Қудратилланинг баданига сув югурди. «Кампирлар билан умумий тил топгунча ўпканг узилади. Ундан кейинчи роҳатланиб, куليб ўтиравересан» ҳаёлидан ўтказди. у.

— Менга қара болам, майли боқсанг боқақол, Аммо яхшилаб боқ. Тағин ёшлик қилиб уволига қолиб ўтирмагин. Агар қийналиб қолгудек бўлсанг, катталардан маслаҳат сўра, — она шундай деди-ю ўғлининг елкасига қоқиб, ўрнидан турдида ховлига чиқиб кетди.

— Кампир, тушмагур ахир кўнди-да. Қани энди шулар ҳам ўқишни билса, ўз кўзи билан газеталарни ўқиса. Нима фойда — нима зарарлигини мулоҳаза қилса. Ахир битта она чўчқа йилига камида йигирмата бола берса, ҳар бири ўрта ҳисобда 80 килограммдан келганда ҳам 1600 килограмм гўшт деган гап. Битта қорамолчи бир йилда битта бузоқ берса, боринг юз килограмм бўлсин. 1600 билан юзни ўртасида осмон билан ерча фарқ бор-ку.

Қудратилла ўз ҳаёллари билан бўлиб фермага келиб қолганини ҳам сезмай қолди.

— Келинг уста, — деди чўчқахонадан чиқиб келаётган миқти гавдали оқ сариқдан келган ферма мудири Николай Григорьевич Лучников.

— Партком Абдурашид акамнинг олдиларига бориб, мени чўчқабоқарликка олинглар, деб илтимос қилувдим, сизнинг олдингизга юборишди.

— Э-ҳа, — деди куليб у, — гўштни кўпайтиришга ҳисса қўшсам депсиз-да. Ҳа майли, қабул қиламиз. Бу касбнинг ҳам ўз гашти бор.

Ўрта бўйли, хипчадан келган, чаноқ суяклари бўртиброқ чиққан, чўрт кесиб гапирадиган йигирма ёшлар чамасидаги хушчақчақ йигит жомокор билан чўчқахонага кирдию олдинга бир қадам ҳам ташламай турган ерида тўхтаб қолди. Қаёқдандир келган ҳид димоғни ёрворгудек бўлиб туйилди. Ойнадек ярқираб турган пол теша унинг кўз олдида кўндаланг бўлиб олди. Нима қилсин: орқага қайтса, бурдсиз бўлади, олдинга эса журъат этолмаяпти. Икки ўртада ҳаёл кураши бошланди. Қудратилла эсанкираган кишидек кўзини ерга боқиб, ёнига югуртириб турганида:

— Бу иш тўсин йўниб томга ташлаш эмас, — деган товуш эшитилди. Орқасига ялт этиб қараса, Николай Григорьевич эшик олдида кулиб турган экан. Мулзам тортган Қудратилла шошқалоқлаб:

— Йўқ ўзим... Чўчқаларнинг оғилларини кўздан кечираяпман, — деди.

— Бояги ваҳоҳатинг бошқача эди.

— Николай ака, ҳар қандай довюрак ишчи ҳам тўсатдан мартен печининг олдига бетлаб келаолмайди, — деди куليб.

— Ўзинг ҳам гапни ипакдек ечиб юборадиган бўлибсанда. Ишга ҳам бундай чечан бўлсанг майлия.

Ҳазил мутойба айтилган сўзлар Қудратиллани руҳлантирди. У ишга меҳр билан кириши ди. Чўчқачиликка оид брошюраларни, китобларни, газета ва журналларнинг ҳаммасини қунт билан ўқиди, ўрганди. Билмаганларини эса тажрибали чўчқабоқар Николай акадан сўраб олди. Оз фурсат ичида коллектив ўртасида ишончга сазовор бўлди. Унга бўрдоқига боқиш учун 146 бош чўчқа топширилди. Бу ишни сидқидилдан бажарди. Кунига чўчқалар 500—600 граммдан семирди. Уларга бир кунда 5 килограмм барди, картошка, арпа уни, 300—400 грамм ошхона чиқиндиси бериб борди. Натижада чўчқалар яхши семирабошлади.

У ишончни оқлади. Ўз сўзининг устидан чиқди. Йил охирига қадар давлатга 40 тонна гўшт топширишни мўлжаллаяпти. Ёш, қалби тўла ғайрат, чарчаш нималигини билмайдиган Қудратилла чўчқаларни ўрта ҳисобда 130 килограммдан семиртириб, юқори кўрсаткичларга эришди.

Калинин районидаги Ленин номли колхозда чорвачиликнинг бу тармоғини мурғак десак муболаға қилмаган бўламиз. Чунки чўчқачилик 1959 йилга қадар йўқ эди. 1959 йилда ветеринария врачи Николай Григорьевич Лучников ташаббуси билан 36 бош чўчқа келтирилди. 1962 йилга келиб чўчқалар сони 517 бошга етди. У ўз атрофига Қ. Абдуллаев, Р. Мухторов, Т. Мухамедов каби кадрларни тўплаб, колхозда чўчқачиликни ривожлантиришга астойдил киришди. 1961 йилда 800 бош чўчқа сигадиган чўчқахона қурилиб, ишга туширилди, ҳозирги кунда чўчқахона механизациялаштирилмоқда. Бу йил давлатга 40 тонна ёки колхоз гўштининг 50 процанти миқдорида чўчқа гўшти топширилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг чорва маҳсулотлари харид нархини ошириш ҳақидаги қарори ҳамда Мурожаати барча совет кишилари сингари бу колхоз чорвадорларининг ҳам бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб юборди. Чорвадорлар бу йил бир килограмм чўчқа гўштининг таннархини 50 тийинга тушириш учун курашмоқдалар.

— Гўштнинг харид нархи оширилганлиги туфайли биз мана шу қолган кварталлар ҳисобигагина қўшимча равишда 22780 сўм фойда кўрамиз. Бу ҳар бир чорвадорнинг меҳнат кунига 20 тийиндан кўшилади, демакдир, — деди Николай Григорьевич Қудратиллани елкасига уриб. — Энди бизнинг ҳам Жўра Султоновимиз бор. Ажаб эмас шогирд устоздан ўзиб кетса.

З. ОРИПОВ.

Пискент районидаги «Пискент» совхозининг ўртоқ Р. Селемнев бошлиқ боғдорчилик бригадасида 15 гектар ерда олмадан мўл ҳосил етиштирилди. Суратда: бригадир ўртоқ Р. Селемнев олмазорда.

А. Абалян фотоси.

КОММУНИЗМ ҚУРТАКЛАРИ

КОЛХОЗЧИЛАРГА ПЕНСИЯ ТЎЛАШ ЯХШИЛАНДИ

Ўрта Чирчиқ районида колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш тузилди. Унга коммунист Х. Раззоқов раис қилиб тайинланди. Узоқ йиллар давомида суд ва адвокатура органларида ишлаб, ҳуқуқ масалалари бўйича катта тажриба орттирган бу ишчан коммунист ташаббуси билан колхозчиларни пенсия билан таъминлаш ишлари анча тартибга солинди. Райондаги кўпгина хўжаликларда пенсия таъминот фондлари тузилди. Шунингдек, районда пенсия олишга ҳақли бўлган анчагина кекса колхозчи борлиги аниқланди.

Колхозлараро кенгаш пенсия ни почта орқали ҳар бир пенсионернинг уйига етказиб, ўз вақтида тўланишини таъминламоқда. Шу билан бирга бу янги ташкилотнинг тузилиши колхозларда пенсия тайинлаш ва тўлаш масалалари билан шуғулланувчи ўзаро ёрдам кассаларида ишлаётган ходимлар учун тўланадиган харажатни анча камайтириш имконини берди.

«Коммунизм» ва Свердлов номли колхоз раҳбарлари янги ташкилот фаолиятини қизғин маъқуллаб, унга амалий ёрдам бермоқдалар. Бу колхоз правленилари тезда янги ташкилот билан Низом тартибига асосан шартномалар тузди, қарорлар чиқарди ва пенсионерларнинг рўйхати қайта кўриб чиқилиб, қабул қилинди. Натижада бу иккала колхоз пенсионерларига белгиланган пенсия пуллари ўз вақтида тўланди.

Район колхозларида мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган колхоз меҳнаткашлари коммунизм куртаги бўлган бу ташкилот хизматидан миннатдор бўлмоқдалар.

Т. ИУЛДОШЕВ,
Ж. ХОЛМАТОВ.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Қўполлик учун

Редакциямизга келган хабарларнинг бирида Тошкент ресторанлар трестига қарашли Ленин кўчасидаги кафе-пельменнаянинг ходимлари хўрандалар билан қўпол муомалада бўлаётганидан шикоят қилинган эди.

Кафе директори ўртоқ И. Тагиевнинг редакцияга маълум қилишича, хабар коллективнинг ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилинган ва унда келтирилган фактлар тўғри деб топилган.

Хўрандалар билан қўпол муомалада бўлганлари учун официантка лардан Посконная вазифасидан бўшатилган, Ушакова бу вазифадан олиниб, кухня ишчиси қилиб пасайтирилган.

Зал мудири Панфилова хўрандаларга шикоят дафтарини бермагани учун қаттиқ огоҳлантирилган.

Тошкент фармакология институти ташкил этилганига яқинда 25 йил тўлди. Бу олий ўқув юртида таълим олган неча ўнлаб студентлар эндиликда фармакология фани тараққиёти йўлида фаол меҳнат қилишмоқда. Суратда: шу институтда ўқиб таълим олган (чапдан) фармакология фанлари кандидати С. Маҳкамов, доцент А. Ибодов, ассистент И. Қиличев ва доцент З. Назиров ўртоқлар суҳбатлашмоқдалар.

В. Сваричевский фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

ЯНКА КУПАЛА

Бугун белорус халқининг атоқли фарзанди талантли шоир Янка Купаланинг (1882—1942) туғилганига 80 йил тўлди. Янка Купала ёшлик чоғларидан бошлаб шеър ёзабошлади. У ўз шеърларида белорус халқининг асрлар давомида эрксизликда, эксплуатация остида эзилганлигини, қайғу, аламини, унинг озодлик учун, яхши турмуш қуриш учун олиб борган курашларини куйлади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Россиядаги барча халқлар қатори белорус халқига ҳам янги, бахтли ҳаёт бахш этди. Янка Купала ўзининг бутун ҳаётини, ижодий фаолиятини ана шу янги социалистик тузумни куйлашга бағишлади.

Янка Купала ажойиб қўшиқлар, ҳороратли шеърлар яратган. Унинг дилбар қўшиқларида янги совет тузуми жўшқин куйланса, бадиий-пишиқ шеърларида эса озодлик учун оғир курашларда қолиб келган белорус ва совет халқларининг гўзал маънавий дунёси таранним этилади.

Янка Купала Белоруссиянинг маданий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги буюк ўзгаришларни толмас куйчисига айланди. Шоирнинг «Қурилишга қўшиқлар», «Орденли Белоруссия», «Қалбимдан» тўпламлари, «Ересса дарёси устида», «Борисов шаҳри», «Тарасовнинг улиши» номли поэмалар ҳамда кўплаб шеър ва қўшиқлари совет китобхонлари орасига кенг ёйилиб кетган, уларнинг севимли асарларига айланган.

Янка Купаланинг асарлари фақат совет халқлари орасидагина эмас, балки чет элларда ҳам машҳурдир. Унинг кўп асарлари ғарбий Европа халқлари тилига таржима қилинган.

Бугун барча совет халқлари улуғ шоирнинг туғилган кунини нишонлар эканлар, шулар қатори бизнинг ўзбек халқимиз ҳам оташи революционер шоирнинг ўлмас номини ҳурмат билан эсга оладилар.

Қисқа сатрларда

◆ **Тошкент.** Тошкент Черемушкаси — Чилонзорда иккита янги алоқа бўлими очилди. Ҳозир массивдаги уччала алоқа маркази аҳолига намунали хизмат қилмоқда.

Ю. Аҳроров.

◆ **Бўка.** Район марказида янги поликлиника ва ҳаммом қурилди.

А. Маҳмудов.

ЕР ШУНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН

АПН «Новости» матбуот агентлиги

Бундан тахминан беш миллиард йил аввал космоснинг поёнсиз бўшлиғида Қуёш системасидаги планеталардан бири — биз ҳозир яшаб турган Ер пайдо бўлди. У қандай қилиб вужудга келганлиги ҳақида хилма-хил тахминлар айтилганлигига қарамай, бу процессни олимлар тажрибада — кичик масштабда бўлса ҳам киши кўз олдида синаб кўришмагунча, бу тахминларга ишончи кучли бўлмаган.

Бу тажриба ҳақида 30 июнда СССР Фанлар академиясининг умумий мажлисида Геохимия ва аналитик химия институтининг директори академик Александр Виноградов сўзлаб берди.

Дастлабки Ер химик состави ва тузилиши жиҳатдан космосдан бизга ҳалигача тушиб турадиган тош метеоритларга жуда ўхшаш деб ўйлашга тўла асос бор. Метеоритларнинг состави умуман Қуёшнинг составига мос келади. Қуёш состави бизга спектри бўйича маълумдир. Ер, Қуёш ва метеоритлар бир хил келиб чиққан экан, демак Ер ҳам шундай составга эга бўлган. Биринчи бўлиб совет олими Отто Шмидт айтган фаразга кўра, Ер «ёшлиги»да бир жинслик ва совуқ массадан иборат бўлган. Бу масса бир-бирига ёпишган тош бўлакларидан ташкил топган. Планета массаси катта бўлаберган сари, тортиш кучи шунча кўп бўлган ва ер шарини ташкил қилган заррачалар бир-бирига шунча мустаҳкам ёпиша борган.

Бу заррачалар составига кирувчи радиоактив элементлар — уран, торий ва бошқа элементларнинг изотоплари бўлиниб жуда кўп иссиқлик чиқарганлар ва тош эритмасини ташкил қилган. Эрнган тош зонаси аста-секин алмашиб турган.

Планетада ҳам техникадаги «зонали эритиш»га ўхшаган процесс юз берган. «Зонали эритиш»да руданинг бир бўлагини бир жойда эритгач, сўнгра эрнган зонани ўша бўлакнинг у ёғи билан бу ёғига аралаштирилади.

Геохимия ва аналитик химия институтининг ходимлари тош метеоритни олиб зонали эритишдан ўтказдилар. Эритилган зона метеоритнинг қалинлиги бўйлаб аста ҳаракат қилаборган сари унда муҳим ўзгаришлар юз берди.

Метеорит планетага тушаётганда пайдо бўладиган силикат томчиларини музлатган «хондрлар» йўқолди. Тошдан газсимон ва учар моддалар сиқиб чиқарилди. Ер пайдо бўлаётганда унинг қобиғидан газлар сиқиб чиқарилган эди. Бу газлар планетанинг ҳаво ва сув қобиғлари — атмосфера ва гидросферани ташкил қилган.

Тажрибанинг энг қизиқ натижаси шу бўлдики, эритилган зона ўзи билан ойнасимон базальтни вужудга келтирган моддаларни эргаштириб кетди. Ойнасимон базальт — Ернинг юқори қатламларини ташкил қилган жисмдир. Тажрибанинг охирида метеорит литосфера (Ернинг ҳозирги замон тош қобиғлари) қатламларининг кичкина моделига жуда ўхшаб қолди. Литосферанинг тузилиши геологларга жуда кўп маълумотлар орқали маълумдир.

Олимлар қадрдон планетамизда ҳаёт пайдо бўлишдан анча илгари нималар бўлган бўлса, уларнинг ҳаммасини ўз кўзлари билан кўрдилар.

Новости матбуот агентлиги (АПН).

Завод маҳсулоти ўттиз мамлакатга юборилмоқда

Республика кабель саноатининг гиганти — «Ташкенткабель» заводи ўз маҳсулотини Осиё, Африка, Жанубий Америка ва Европадаги ўттиз мамлакатнинг биноқорларига, шахтерларига ва нефтчиларига юбориб турибди. Корхонанинг темир йўл тармоғидан Вьетнам Демократик Республикаси учун симларнинг навбатдаги қисми жўнатилди. Дўстларнинг закази муддатидан олдин бажарилди. Бу эса қардош мамлакатнинг электрлаштирувчиларига юз километр узунликдаги яна бир кучли электр линиясини муддатидан анча илгари ишга тушириш имкониятини беради.

Тошкент кабелчиларининг аъло маҳсулотига чет элларда талаб катта. Етти йилликнинг бошидан бери заказчилар сони икки баравардан зиёд кўпайди. Кабель буюмларининг янги истеъмолчилари орасида бу йил Япония, Австрия ва Швеция каби юксак даражада тараққий этган капиталистик мамлакатларни ҳам кўриш мумкин.

СПОРТ

„ПАХТАКОР“ очко тўпламоқда

Тошкентликлар биринчи давранинг сўнгги матчини 5 июлда Белоруссия пойтахти Минскда ўтказишди. Командалар майдонга жанговар состави билан, фақат ғалаба қилиш учун тушдилар. Чунки бу ўйиндаги ғалаба «Пахтакор»нинг биринчи ўринга яна чиқишини таъминласа, белорус футболчиларини эса пешқадамларга яқинлаштирарди. Шу сабабли ҳам матч кескин кураш билан ўтди. Биринчи таймда гарчи майдон эгалари бир мунча устунликка эга бўлган бўлсалар-да, (улар «Пахтакор» дарвозасига 11 марта бурчакдан тўп тепишди) гол улар дарвозасига киритилди. Г. Красницкий штраф тўпини моҳирона тепувчи футболчи эканлигини яна кўрсатди. У 29-минутда штраф майдонидан икки метрча ташқарида бўлган тўпни шундай зарб билан, аниқ урдики, «Беларусь» ўйинчилари «девори» ҳам, дарвозабон ҳам уни қайтариб қололмади. Бу — шу матчда киритилган ягона гол бўлди.

10-турда бўлган бошқа учрашувлар қуйидаги натижаларни берди. Биринчи группада: «Қайрат»-«Локомотив» — 0:0; «Даугава»-«Молдова» — 0:4; «Динамо» (Киев)-«Спартак» (Ереван) — 8:1; СКА-ЦСКА — 1:1. Иккинчи группада: «Спартак» (Москва)-«Торпедо» (Москва) — 1:1; «Нефтяник»-«Авангард» — 4:0; «Крилья Советов»-«Динамо» (Ленинград) — 0:0. Иккинчи давра бошланиши олдидан иккинчи группа командаларининг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

	ю.	д.	м.	т.	о.
«Пахтакор»	5	4	1	11—6	14
«Динамо» М.	5	2	2	12—5	12
«Нефтяник»	3	5	2	14—6	11
«Торпедо» М.	4	3	3	17—10	11
«Спартак» М.	4	2	4	20—15	10
«Динамо» Тб.	4	2	3	12—9	10
«Торпедо» К.	3	4	3	13—12	10
«Динамо» Л.	3	3	4	6—20	9
«Крилья Советов»	3	2	5	12—16	8
«Беларусь»	3	2	5	9—13	8
«Авангард»	2	1	7	6—20	5

Эслатма: жадвалда Москва ва Тбилиси динамочиларининг кеча бўлган учрашуви натижаси киритилмаган.

Завод баскетболчилари пешқадамни ютди

Тошкентда «А» класс баскетболчи хотин-қиз командаларининг мусобақаси бошланди. Бу мусобақада мамлакат чемпионатининг пешқадами «Динамо» (Москва), «Сибирячка» (Новосибирск), ГПИ (Тбилиси), «Таштекстильмаш», «Инждорстрой» (Кишинев) ва «Буревестник» (Ростов-Дон) коллективлари қатнашмоқда.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг хотин-қиз спорт чилари энг кучлилар группасида биринчи йил ўйнашига қарамай, катта муваффақиятга эришдилар. Улар 5 июлда финал ўйинининг биринчи учрашувини «Динамо» (Москва) билан ўтказдилар. Тошкентликлар тажрибали москваликларни 57:45 ҳисоби билан мағлубиятга учратдилар. Мамлакатнинг энг кучли баскетболчиларидан бири ҳисобланган Раиса Салимова ўз командасининг ғалабасига катта ҳисса қўшди.

Ж. УМАРОВ.

ЧУРТЧИКМОК

МУЛЛАЖУМАН ҚИССАСИ

«Ховос» совхози партия ташкилотининг собиқ секретари Жуман Хўжабеков билан учрашиб қолгудек бўлсангиз, ҳалоллик, тўғрилик, аҳлоқий поклик ҳақида гапиравериб нақ қулоғингизни қоматга келтириб юборади. Масалан, менинг ўзимни олайлик, деб гап бошлайдию, оқавасини ўзининг камтарлигини мақташ билан тугатади. Дастлаб совхоз ишчилари Хўжабековни дуруст одам бўлса керак деб ўйлашиб, каттагина лавозимни унга топшириб қўйишди, бошлиқ деб ҳурмат қилишди. Лекин Муллажуман тузнинг ичиб, тузлуғига тупурадиганлар хилидан экан. Сал кун ўтмай, ғалати-ғалати қиликлар чиқара бошлади. Совхоз ишини йўлга қўйиш ўрнига қўй, от, мол олиб, хусусий фермасини кучайтириш пайида бўлди. Пучуқой қишлоғида данғиллама ховли жойи бўлатуриб, Тошкентдан уй сотиб олишга улгурди. Бу ҳовлига кўз юмиб очгунча эга бўлдию, ўзини яна участкага урди. Урсатьевский посёлкасида шинамгина чойхона бор эди. Меҳнаткашларга қўл келиб турган ана шу чойхонани буздириб ташладида, ўрнига ҳали тугилмаган боласи учун данғиллама участка қуришга киришди.

— Қошиқ навбати келганда тўлдириб ичиш керак, — деб ўйлади ўзича у. — Амалдорман, амалдор бўлгандан кейин ейманда.

Данғиллама участка текин материаллар билан асон-омон битказиб олингач, қаҳрамонимиз бутунлай босар-тусарини билмай қолди. Хатто у мактабнинг электр движогини ўз участкасига ўрнатиб олиш даражасига бориб етди. Ҳеч кимни назар-писанд қилмай қўйди. Бугун карасангиз остида «Победа», эрта қарасангиз шахсий «Волга»сини учириб кетаётган бўлади.

Семизликни қўй кўтарар деганлари рост экан. Бировлар ҳисобига бойиб кетган Муллажуман маиший жиҳатдан ҳам бузилабошлади. Идорада секретарь-машинистка бўлиб ишлайдиган эндигина 18 ёшга кирган Илсая исмли қизга «ошиғу-беқарор» бўлиб, қизнинг ҳаловатини бузди.

— Илсая, ишдан сўнг қолинг. Гаплашадиган муҳим гап бор, — деб қолди у бир куни.

— Менинг зарур ишим бор, — эътироз билдирди қиз.

— Қоласиз. Бу кўпчилик топшириғи, — буйруқ оҳангида деди Хўжабеков.

Қиз ишдан сўнг идорада қолди. Жуман ишдан эмас, балки ўз хотинининг «маданиятсизлигидан» гаф очиб узундан-узоқ лекция ўқиди.

— Хотинингиз маданиятсиз бўлса, уни тарбияланг! — деди қиз чиқиб кетатуриб.

Бошқа бир куни Жуман партия мажлисининг қарорини ёзишимиз керак, эрталаб шаҳар партия комитетига элтиб бераман» деб Илсаяни қўйрда-қўймай ўз уйига олиб кетди.

— Мана шу данғиллама участка, чўғдек ёниб турган гиламлар, телевизору-приёмниклар ҳаммаси сеники, — деди у мақтаниб, — мен сени севаман, сенсиз яшай олмайман.

— Қани, ёзиладиган қарорни кўрсатинг! — ғазаби ошиб деди қиз.

— Қарор кейин. Ростини айт, Илсая, бу уйлар сенга ёқдими?

— Уйингиз бола-чақангизга, хотинингизга насиб қилсин, — қиз эшикни тарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Писмиқ Жуман қўрққан олдин мушт кўтарар қабилида иш кўрди. Ёмон мақсадларига эриша олмагач, гуноҳсиз қизнинг шаънига бўхтонлар уюштирабошлади. Писки-пасод, миш-миш гаплар шунақанги кўпайиб кетдики. Илсая бош кўтариб кўчада юраолмай қолди ва... ўзини-ўзи ҳалок қилди.

Ана кўрдингизми Жуман Хўжабеков деганлари қанақа одам экан. Эгрига-эгри таёқ деганларидек, унинг устидан жиноий иш қўзғаб, Янгиер шаҳар прокурорига оширишган эди, прокурор ўртоқ Давлатов енг шимариб ишга жуда астойдил киришдию, лекин жиноятчи билан икки-уч бор учрашгач, тўсатдан бўшашиб, оғзига талқон солгандек жим-жим бўлиб кетди. Прокурорнинг пушти-паноҳ бўлиши Жуманни яна ҳам кучайтириб юборди. Мактабларидан бирига ўқитувчи бўлиб жойлашиб олдида — маиший бузуқликни, очкўзликни келган жойидан бошлаб юборди.

Прокурор ўртоқ Давлатов ўз пўлат сандиқларига қулфлаб олган 200 варакли жиноий ишни қачон қўзғатар эканлар, қачонгача жиноятчига пушти-паноҳ бўлар эканлар?

Жамоатчиликни ана шу савол қизиқтираяпти.

М. ҒОЗИЕВ.

СУД ЗАЛИДАН

ВАФОСИЗНИНГ ЖАЗОСИ

Замира Ёқубова абадий бирга бўлиш орзусида Юсуф Холмуҳамедов билан бир ёстиққа бош қўйган эди. Йиллар ўтди. Замира 10 боланинг онаси бўлди. Лекин фарзандларидан олтитаси турли ёшларда вафот этди. Бу йўқотиш она учун оғир бўлди. Фарзанд доғи Замиранинг соғлигига ёмон таъсир қилди.

Шунда неча йиллик умрдоши вафосизлик қилиб Замирадан юз ўгирди. «Сенинг касалингга тоқатим йўқ» деб икки келин кўрган бу одам Маъфират Пўлатова деган аёлга ўйланиб олди. Одамларнинг кўзига ёмон кўринмаслик учун «эримнинг хотин олишига ўзим рози бўлдим дегин» деб Замирани мажбур қилди.

Коммунист бўлатуриб вафодор хотинига феодалларча муносабатда бўлган, уни руҳан азоблаган Холмуҳамедовнинг ҳаракати жамоатчиликни ғазаблантирди. Аҳоли бу қилмиши учун уни жазолашни талаб қилди.

Яқинда Октябрь район халқ суди ўз мажлисида виждонсиз Ю. Холмуҳамедовни 1 йилга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилди.

Ҳ. ТОШХУЖАЕВ,
халқ маслаҳатчиси.

ТАРОЗИМ

(ЮЛҒИЧ СОТУВЧИНИНГ ХИРГОЙИСИ)

Эртадан кеч сенинг билан ишим бир,
Харидорнинг кўзин бўяш ишимдир,
Завмагим бор, ўз ишонган кишимдир
Юлғичликда менга ҳамроҳ тарозим,
Ҳар тортганда харидорга қарайман,
Кулиб туриб, ширин сўзла аврайман,
Сездирмайин тарози винтин бурайман
Не иш қилсам ўзинг огоҳ тарозим.
Эгриликла кўпчиб чиқди ҳамёним,
Мўмай пулга тўлиб-тошди кармоним,
Шу бойисдан яна сераҳв хиргойим
Гуноҳимга ўзинг гувоҳ, тарозим.

П. НИШОНОВ.

МИЛЛАТЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ЖЕНЕВА, 6 июль. (ТАСС). Лаос масаласини ҳал этишга бағишланган Халқаро кенгашнинг икки раиси Г. М. Пушкин ва М. Макдональд кеча Лаос миллий бирлик муваққат ҳукуматининг бош министри шаҳзода Суванна Фума шарафига қабул маросими ўтказдилар. Миллатлар саройида ўтказилган бу қабул маросимида Женева кенгашида қатнашган мамлакатлар делегацияларининг бошлиқлари, аъзолари ва маслаҳатчилари ҳозир бўлдилар.

БИРМАДА ЯНГИ ПАРТИЯ

РАНГУН, 5 июль. (ТАСС). Бугун Рангун радиоси Бирмада янги сиёсий партия тузишга тайёргарлик тўғрисида Революцион кенгашнинг баёнотини эшиттирди.

Революцион кенгашнинг информацион бюллетенида бугун сиёсий партиянинг устави эълон қилинди. Бу партия «Бирманинг социализм йўли партияси» деб аталади. «Бирманинг социализм йўли» сиёсий декларацияси партия программасига асос қилиб олинган.

Янги партияга Революцион кенгаш раҳбарлик қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИЗОР

7 ИЮЛДА

Рус тилида: 17.30 — **Ферда чумоли** (болалар учун тўртинчи эшитириш), 18.05— **Телевизион янгиликлар**, 18.15 — **Концерт** (Тошкент шаҳар Фрунзе район Маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари ижросида), 18.50 — **Фитиль** (сатирик киножурнал), 19.00 — **Пирсдаги соя номли бадиий фильм.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Оталар сўзи — ақл кўзи** (ота-оналар учун), 21.15 — **Телевизион янгиликлар**, 21.30 — **Мақомлардан парчалар.**

ТЕАТР

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 7, 8/VII да Ўзбек давлат филармонияси солистларининг концертлари. Кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — (ёзги бино) — 7/VII да **Равшан ва Зулхумор**, 8/VII да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Етти азамат (1 ва 2-серия) — «ВАТАН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Бир отряддамиз — «МИР» (эрталаб соат 10 да).

Сўнгги қиш — «МИР» (кундуз ва кечқурун). «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 8 ва 10 да).

Йўл — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ҳамма уй-уйига — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Мен дўстлашган қиз — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА:

(Сеанслар кеч соат 9-15 минут ва 10 яримда бошланади)

Киши фикрини ўзгартиради (1 ва 2-серия) — «ОКТЯБРЬ».

«Сильва» вилласи — «ВАТАН».

Полк ўғли — НАВОИЙ номли.

Етти азамат (1 ва 2-серия) — «ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли.

Сўнгги қиш — ТЕЛЬМАН номли.

Хуш келибсиз, мистер Маршалл — ПУШКИН номли.

Йўл — «УДАРНИК».

Амаким — «ПОБЕДА».

Полк қизи — «ШАРҚ».

159-қурилиш трестининг
7-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
ғишт терувчилар
КЕРАК
Виставка кўчасида Қурилиш бошқармасининг кадрлар бўлимига учрашилсин (7-трамвайнинг охирги остановкаси, 8-троллейбуснинг «Виставка» остановкаси).

Ўзбекистон кўрлар жамияти марказий правлениесининг
КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИГА
конструктор-инженерлар ва техниклар, нормаловчи инженерлар ва техниклар, экономист-плановик, русча машинистка
керак
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 22-а уй (2, 3-троллейбус, 24, 30-автобуснинг «Педагогическая» остановкаси).

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг
4-АВТОТРАНСПОРТ КОНТОРАСИГА
бензин машиналари ва махсус оғир дизель машиналари учун
шоферлар, слесарлар
керак
Шоферларга меҳнат ҳақи ишбай асосида тўланади.
Қабул қилинганлар иш жойига-контора транспортида бориб-қайтадилар.
Қўйлиқ қишлоқ Тошлоқ кўчаси, 205-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

159-қурилиш трестининг
9-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
ғишт терувчилар, бетончилар, арматурачилар ва бошқа биноқор ишчилар
керак
Адрес: Тошкент шаҳар, Жўмми кўчаси (10-автобуснинг охирги остановкаси)

Халқаро обзор

Жазоир халқи мустақилликни ёқлаб овоз берди

Мустақиллик тўғрисидаги референдум ўтказилган кун — 1962 йил 1 июль куни Жазоир тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолди. Шу куни Жазоир халқи ўз ватанининг мустақиллигини ёқлаб овоз берди. Франция олий комиссари ўз ваколатларини Жазоирнинг муваққат ижроия органига топширди. Бу орган, Эвиан битимларига биноан, уч ҳафталик муддат ичида Жазоир Миллат мажлисига сайлов ўтказади. Жазоир Республикаси Муваққат ҳукуматининг бошлиғи Бин Хедда Жазоир халқи олдида турган вазифаларни қуйидагича характерлаб берди: «Жазоир бугун мустақил бўлди. Лекин кураш ҳали тугагани йўқ. Мустақиллик асл мақсад эмас. Мустақиллик иқтисодий ва социал вазифаларни амалга ошириш имкониятини берадиган воситагина бўлиб, бусиз революция ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас».

Французларнинг 132 йиллик мустамлака ҳукмронлигидан кейин Жазоир оғир мерос олмоқда. Маҳаллий аҳолининг турмуш даражаси дунёда энг паст ўринлардан бирида туради. 700 мингдан кўп деҳқон ерга эга эмас. Мамлакатда амалда тараққий этган соғлиқни сақлаш системаси йўқ. Саводсизлик — кўпчилик аҳолининг пешонасига битган тақдирдир: болаларнинг кўпи билан 10—12 процентигина бошланғич мактабларга қатнайди.

10 миллионлик Жазоир халқининг мустақилликни қўлга олганлиги — янги ҳаёт қуриш йўлидаги биринчи босқичгинадир. Жазоир ватанпарварлари бу йўлдаги бартараф этилиши керак бўлган қийинчиликларни яхши биладилар. Айни вақтда улар, Эвиан битимларига биноан, Жазоир территориясида 3 йил мобайнида француз қўшинлари ва 15 йил мобайнида Мерсал-Кабирда француз ҳарбий денгиз базаси туражагини эсдан чиқармайдилар.

Жазоирнинг мустақиллигини кўпгина давлатлар тан дилар. Совет Иттифоқи Жазоирнинг мустақиллигини Эвиан битимлари имзоланганидан кейиноқ 19 мартда юридик жиҳатдан таниган эди. Н. С. Хрушчев 3 июлда Жазоир Муваққат ҳукуматининг бошлиғига юборган табрик телеграммасида Совет Иттифоқининг суверен Жазоир давлати билан дўстлик ва самарали ҳамкорлик алоқаларини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга интилаётганлиги билдирилади.

„Ғарбий Германия милитаристлари билан ҳеч қандай иттифоқ тузилмасин!“

Франция матбуотининг билдиришича, шу кунларда Париж майдонларида ва кўчаларида Ғарбий Германиянинг қора-қизил-сариқ байроқлари ҳилпираб турибди. Франциянинг ҳукмрон доиралари Францияга расмий визит билан келган Германия Федератив Республикасининг канцлери Аденауэрни тантана билан кутиб олмоқдалар. Аденауэр сафаридан кўзда тутилган мақсад, расмий хабарларга қараганда, илгари душман бўлган икки давлат ўртасида яраш ув бўлганлигини намойиш қилишдан ҳамда «Франция-Ғарбий Германия яқинлашувининг муваффақиятли кетаётганлигини» таъкидлашдан иборатдир. Бироқ, Аденауэрнинг визити турли маросимлардангина иборат бўлмайди. Франция матбуотининг хабарларидан маълум бўлишича, Франция ва Ғарбий Германиянинг давлат арбоблари Англиянинг «умумий бозор»га кириши ҳақидаги масалани, шунингдек Ғарбий Берлин проблемасини ва умуман Ғарб билан Шарқ ўртасидаги ўзаро муносабатларни муҳокама қиладилар.

Тинчлик ва халқлар хавфсизлигининг манфаатлари иккинчи жаҳон уруши қолдиқларининг тугатилишини — Германия сулҳ шартномаси тузилишини ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволнинг тартибга солинишини қатъий талаб қилмоқда. Ғарбий Германия реваншчи-милитарист доираларининг қарашларини ифодаловчи канцлер Аденауэрнинг позицияси ҳаммага маълум. У, Германия масаласининг тинч ҳал этилишига қарши, урушдан кейинги чегараларни қайта кўриб чиқиш учун. Ғарбий Берлин оккупациясини эсдан эттириш учун ҳаракат қилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, Аденауэр талабларининг катта қисмини Франция ҳукмрон доиралари қўллаб-қувватламоқдалар. Франция маъмурларининг бундай позицияси Франциянинг ўзи учун катта хавф келтириб чиқариши мумкин. Шу муносабат билан соғлом фикр юритувчи французлар шуни эслатмоқдаларки, бир асрдан камроқ вақт мобайнида Франция Германия томонидан уч марта ҳужумга учради. Бундай нохуш ҳол яна қайтарилиши мумкин, демоқдалар улар. Шу сабабли ҳам, Аденауэрнинг Францияга келишини барча софдил французлар ғазаб билан қораламоқдалар. Гитлеризмга қарши курашда онла аъзолари ҳалок бўлган 240 француз қаршилик юзасидан петицида бундай дейдилар: «Аденауэр — шундай бир Германиянинг канцлеридирки, у ерда эсэсчилар ва милитарист ташкилотлар гиж-гиж бўлиб ётипти, фашизмга қарши курашчилар ва нацизм қурбонлари эса қувғин қилинмоқда. Аденауэр шундай Германиянинг канцлеридирки, унинг раҳбарлари ҳозирги чегараларни шубҳа остига олиб, Гитлер сингари «яшаш учун кенг жой» ҳақида мулоҳаза юритмоқдалар. Бундай Германия билан иттифоқ тузиш ватанимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини қурбон қилади. Бундай иттифоқ халқаро кескинликни юмшатиш манфаатларига зиддир». Мингларча парижликлар Ғарбий Германия канцлерини қуйидаги шиор билан кутиб олдилар: «Ғарбий Германия милитаристлари билан ҳеч қандай иттифоқ тузилмасин!». Норозилик белгиси сифатида канцлер Аденауэр ва президент де Голль тушган очиқ машинага палатда тухум ва помидорлар отилди...

Д. КАСАТКИН.



Судан. Гинейдеда шакар қамишини механизация билан ўриш пайти. ТАСС фотохроникаси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 02204. Нашр. Г. 1629.